


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013-yil 7-iyun • №23 (4214)


## "УНИВЕРСИАДА — 2013" СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли ўғил-қизларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун униб-ўсиб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимни Ўзбекистон ёшларининг ҳаётидаги улкан воқеа – ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами бўлмиш "Универсиада – 2013" ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўлкамиздаги барча спорт мухлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамининг «Кўҳна ва боқий Бухоро» деб ном олган табаррук заминда ўтказилаётгани ушбу тантанага алоҳида маъно-мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз "Универсиада" қатнашчилари!

Сизларнинг "Кичик Олимпиада" деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз олдингизга қўйган мақсад йўлида азму шижоат ва қатъият кўрсатиб, олий ўқув юртларида илму фан чўққиларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йилги "Универсиада" финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз танлаган спорт тури бўйича катта ютуқларни қўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.

Албатта, бундай юксак марралар ва шоҳсупаларга кўтарилиш учун қанча-қанча ҳаракат, қанча куч-қувват, ирода ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши муқаррар.

Бу фикрларнинг тасдиғини қуйидаги рақам ва мисоллар яққол намойиш қилади.

"Универсиада" ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан якуний босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқёси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган "Универсиада" беллашувларини юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун аввало жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаётгани янада яққол аён бўлади.

Буларнинг барчаси аввалambор сиз, азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етаётган фарзандларимизнинг тараққий топган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчи, биз интилаётган юксак марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун – ана шундай буюк мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!" деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан "Универсиада" мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир спортчиларимизнинг изидан бориб, келажакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилакдошмиз.

Ҳеч шубҳасиз, "Универсиада – 2013" беллашувлари эл-юртимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчи ва муҳандисларга, мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Бухоро шаҳрида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Универсиада – 2013" республика спорт ўйинлари бошланди.**



"Универсиада – 2013" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросимида. Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосари**

## ДЎРМОН САБОҚЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Май ойи мамлакатимизда китобхонлик, маънавият-маърифат, умуман, адабиёт мавсуми бўлди. Жумладан, 26 — 30 май кунлари Дўрмон ижод уйида "Истеъдод мактаби" IV республика ёш ижодкорлар семинари ўтказилди.

Семинар иштирокчилари уюшманинг вилоят масъул котиблари билан биргаликда дастлаб Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, Она ҳайкали, Миллий боғда қўр тўкиб турган ҳазрат Навоий ҳайкали пойига гул қўйдилар. Ҳазратнинг "Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш" байти ҳар бир одамни теварак оламга теранроқ разм солишга ундайди.

"Истеъдод мактаби" семинари таржима, бадиий публицистика ва драматургия йўналишлари бўйича бўлиб ўтди. Анжуманда Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятларимиздан қирқдан ортиқ ёш ижодкор иштирок этди. Уларга моҳир таржимонлар, публицистлар ҳамда драматурглар томонидан маҳорат дарслари ўтилди.

Шу билан бирга, таниқли ёзувчи-шоирлар, драматурглар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилди. Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ёшлар билан суҳбат асносида бугун ижодкорлар учун яратилган шароитлар, сўз эркинлигининг қадрига етишимиз лозимлигига эътибор қаратди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

**Шу йил 10-11 июн кунлари пойтахтимизда «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтади.**

Бобурийлар даври маданиятига оид қимматли маълумотларни қамраган ёзма ёдгорликлардан бири Абдусаттор бин Қосим Лоҳурийнинг 1612 йили Агра шаҳрида ёзган "Мажолиси Жаҳонгирий" номли асари бўлиб, унинг ягона қўлёзма нусхаси 2002 йил январида Лоҳур шаҳрида яшовчи Халил ур-Раҳмон исмли зиёлининг шахсий кутубхонасидан топилган.

## БОБУРИЙЛАР МАДАНИЯТИГА ОИД МАНБА

Қўлёзма лоҳурлик Ориф Навшоҳий, Мўин Низомий каби олимлар томонидан 2006 йили Теҳрондаги "Мероси мактуб" нашриётида кириш сўзи ва зарур изоҳлар билан икки минг нусхада чоп этилган.

Мазкур олимлар ёзишича, бу нодир манбада асосан 1608 йил 24 октябр – 1611 йил 15 ноябр оралиғида Жаҳонгир томонидан ташкил этилган кўнгилочар йиғинлар тафсилоти ҳикоя қилинаркан, бобурийлар даври маданиятига доир ана шу хабарлар асносида Ҳиндистоннинг ўша пайтлардаги Европа ва Мовароуннаҳр давлатлари билан сиёсий-дипломатик ҳамда маданий алоқалари борасида ҳам маълумотлар ҳавола этилган.

Айниқса, биз учун китобдаги Жаҳонгирнинг ота ватани Мовароуннаҳрни ўзи туғилиб ўсган Ҳиндистон билан бир хилда севгани, ота юрти тарихига қизиққани, ўзбек тилини яхши билгани каби маълумотлар муҳим бўлиб, айни ўринда шу мавзуга алоқадор тафсилотларни кўрсатиб ўтишни лозим топдик.

Чиндан ҳам, ўз туғилган ватани ва она тили мавқеини давлат, маданий ҳаёт мақомида тутган Бобур вафотидан сўнг Афғонистон, Ҳиндистон каби ўлкаларда туғилиб ўсган кейинги бобурийлар авлодида бу хислатларнинг пайдо бўлиш жараёнини, бир томондан, темурийлар сулоласининг тарихий шуҳрати туфайли деб тушуниб, иккинчи жиҳатдан, бу ҳолатни "Бобурнома"нинг тарбиявий аҳамияти билан боғласак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Жаҳонгир бин Акбар "Жаҳонгирнома" асарида Кобулга зиёрат учун боргани хотираларини баён этиш асносида қуйидагиларни ёзади:

"Кобул таърифи борасида ҳазрат фирдавсмакон Бобур подшоҳнинг "Воқеот" китоби кўздан кечирилди. Бу қўлёзма нусха бутунлигича уларнинг муборак хати билан битилган эди. Фақат унинг Кобул таърифидаги тўрт жузвини қўшимча равишда ўз хатим билан битиб, мазкур жузвлар охирига ҳам бу тўрт жузвнинг менинг хатим билан ёзилганини кўрсатиб туриши учун туркийча тилда иборалар ёзиб қўйдим. [Чунки] Ҳиндистонда туғилиб-улғайганимга қарамасдан, туркийча сўзлашиш ва ёзишдан қуруқ қолган эмасман".

Давоми учинчи саҳифада.


*Азиз газетхон!*



Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2013 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз –222.


## БАРҲАЁТ ИЖОД

**Пушкинхонлик**

Улуғ рус шоири Александр Пушкиннинг таваллуд санаси муносабати билан Тошкентдаги шоир ҳайкали олдида барҳаёт шеъриятга эҳтиром рамзи сифатида тадбир бўлиб ўтди.

Шоир ва ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт муаллимлари, талаба-ёшлар иштирок этган тадбирни очаётиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов шундай деди:

— Бугун дунёда бадиий адабиётнинг ўқилиши нисбатан камайиб бормоқда, деган гаплар кезиб юрибди. Аслида эса одам болалари ҳеч қачон бадиий тафаккурсиз яшаган эмас. Ахир, дунёни Навоий ёхуд Пушкинсиз тасаввур этиш қийин-ку. Асарнинг савияси учун эса жанр эмас, балки муаллиф масъулдир. Шу маънода улуғ салафларнинг мактаби келажак авлодлар учун ҳам ибрат бўлиб қолаверади. Эзгулик ҳамда гўзалликни юксак даражада тараннум этган Пушкин шеъриятининг ҳам ўрни беқиёсдир. Шу боисдан биз жаҳоннинг бетакрор сиймолари қаторида рус шоири Пушкинни ҳам ардоқлаймиз.

Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев, Хорижий мамлакатлар билан алоқалар дўстлик жамиятлари кенгаши раиси Саидаҳрор Ғуломов, Ўзбекистон байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев улуғ шоирнинг жаҳон адабиётига қўшган ҳиссаси, умуминсоний қадриятларни юксалтирган, эзгуликни улуғлаган асарлари ҳақида сўзладилар.

Ўзбекистон Республикасидаги Россия ҳамкорлик агентлиги табригини агентлик вакили Валерий Кайер ўқиб берди. Россияда хизмат кўрсатган артист Юрий Дубов Пушкин шеърларидан ўқиди.

Тадбир иштирокчилари Пушкин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Таълим масканларида, мактабларда пушкинхонлик кунлари бўлиб ўтди.

## КИЧИК СОЗАНДАНИНГ КАТТА ЮТУҚЛАРИ




5


Ўзбекистон Республикаси матбуот нашрларига обуна бўлинг! Дунё янгиликларидан хабардор бўлинг. Севимли матбуот нашрларингизни «Матбуот» дўконларидан харид қилинг.

«Матбуот тарқатувчи» АК
тел: 233-67-98; 233-75-49. e-mail: info@akmt.uz

Теран томирлар

# СОҲИБҚИРОН ЎТГАН ЙЎЛЛАРДА

**Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг кейинги бир неча сафари буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг ватан ғанимларини тор-мор этиб, юрт осойишталигини, эл маъмурлигини таъминлаш ниятида олиб борган ҳарбий юришлари тарихини батафсилроқ ўрганишга бағишланди. Мазкур сафарномада экспедициянинг қадимги Дашти Қипчоқ ҳудудлари бўйлаб сафари давомида олиб борилган кузатишлар, тадқиқотлар ҳақида ҳикоя қилинади.**

Чимкент шаҳри остонасида, кўчанинг ўнг юзидаги йирик ҳарфларда Соҳибқирон бобомиз номи битилган кўрсатгич тахта диққатимизни тортди. Бу Ўрдабаси тумани маркази эди. Бошқа ўлкаларда ўз элига, тарихи ё тилига оид жой ё нарсага дуч келган кишининг қалби ўз-ўзидан тўлқинланиб кетиши табиий. Биз ҳам ана шундай ҳислар оғушида дарҳол уловимизни чеккага тортдик. Ахир бизнинг олти асрдан буён мартабали шоҳсупаларда эъзозланиб келаётган Соҳибқирон бобомиз изидан юришдан айни муддаомиз ҳам шу эди-да.

Демак, йўналиш тўғри олинган экан. Чимкентда тушлик қилиб, шимоли-ғарбга қараб кетдик. Икки ён далалар, янтоқзор. Йўл чеккаларида шохлари тарвақайлаган яккам-дуккам қайрағочлар кўзга ташланади. Ўтрорга кираверишдаги рамзий дарвоза ўзига хос ва маҳобатли ёдгорликни эслатарди. Икки томонидан сарғимтил бетон ғиштдан девор кўтарилган ва иккала тарафида ҳам бургут ҳайкали. Дарвозадаги "Отирар аудани" ёзуви анча узоқдан ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Атроф кўм-кўк далалар. Чапда, йўлдан анча ичкарида тераклар кўринади, ўнгдаги далалар юлғунзор, янтоқзордан иборат. Яна бир оз юрганимизда сўнг қаршимиздан "Отирар – Абу Наср Форобий ватани" деган лавҳа чиқди. Кўчанинг икки четида тез-тез ҳикматли сўзлар, мақоллар ёзилган тахтачалар учраб турарди. Менга, айниқса, "Отанинг тилаги билан юраги бирдир", деган ҳикмат маъқул тушди. Ҳақиқатда ҳам шундай-да. Лекин буни ҳамма фарзандлар ҳам билади, дейиш қийин.

Оқтепа овулидан ўтдик. Кейингиси "Темир овули" эди. Овул, қишлоқ деган жойларда атрофга аланглаб қоламиз. Катта йўлдан хийла ичкарида, чўлнинг ўртасида дўппидеккина уй-жойлар кўринади. Амир Темур номидаги темир йўл станцияси ҳам шу тарафда экан. Салдан кейин йўл икки ёққа қайрилиб, ўнгга – Ўтрорга, чапга Арслонбоб отага олиб бораркан.

Абу Наср Форобийнинг иззат-икроми у таваллуд топган ҳудудда жойидалиги, уни муносиб эъзозлашлари сезилиб турибди. Аллома сиймоси акс эттирилган паннолар шундай тасаввур уйғотади.

## Арслонбоб ота

Кун аллақачон қайтиб, қуёш ўнг елкамизга ўтган, биз энди жанубга қараб борардик. Арслонбоб ота мақбараси Темир овули марказида, Туркистон йўлининг чап тарафида, гузардан юз қадамча масофада эди. Арслонбоб ота XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган тасаввуфий тариқатнинг машҳур намояндаси Хожа Аҳмад Яссавийнинг бобоси ва илк устози бўлган. Демак, унинг шу атрофда туғилгани ва яшаб ўтгани аниқ. Ҳолбуки, халқ орасида Арслонбоб ота тўғрисида турли талқиндаги ривоятлар мавжуд.

Кеч кириб қолаётгани учун мақбарани зиёрат қилгани ошиқдик, лекин барибир хотиржам кўришга улгурмадик. XII асрда қурилган, 1907 йили қайта барпо этилган мақбарага элтувчи йўлаклар шинам, анча-мунча манзарали дарахт ҳам экилган, теваракда эса, турли даврларда яшаб ўтган уламолар ва бошқаларнинг қабрлари кўп, катта-кичик сағаналар, ҳужралар бор.

Гузардаги мўъжазгина меҳмонхонада тунамоқчи эдик, пашша кўп, дейишди. Оқшом чўкканига қарамай, Туркистонга қараб йўл олдик. Катта чўлни қоқ иккига ёриб ўтган кўчанинг давоми ҳам илон изидай эгри-бугри бўлса-да, ҳар ҳолда текис эди.

## Туркистон. Аҳмад Яссавий

Туркистон. Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган бу қадимий шаҳар азалдан муҳим ҳунармандчилик, савдо марказларидан бири бўлган. Милодий IV-X асрларда Туркистон ўрнида Шавгар (Шавожар) шаҳри мавжуд бўлган. XII-XVI асрларда Ясси деб юритилган Туркистон номи Амир Темур замонидан бошлаб истеъмолда. Ўша даврларда уни Ҳазрати Туркистон деб ҳам атаганлар. Амир Умархон даврида Қўқон хонлиги таркибига киритилган. 1864 йили шаҳарни Россия босиб олган. Ҳозир Жанубий Қозоғистон вилоятига қарайди.

Туркистонга кечки соат тўққизларда етиб бордик. Шаҳар хийла ораста ва кўркам экан. "Ойтўлсин салтанат саройи" мажмуаси таркибидаги меҳмонхонага қўндик. Чарчоқ ҳиссини босиб дам олдик. Эрталаб барвақт туриб, Аҳмад Яссавий зиёратгоҳига йўл олдик.

"Туркистоннинг шайх-ул машойихи" (Навоий таъбири) Хожа Аҳмад Яссавийнинг номи ва ижодий фаолияти, тариқати Турон — Туркистонда кенг тарқалган. Аҳмад Яссавий ўз дунёқарашини бутун мусулмон оламига таратди ва туркий тилдаги ҳикматлари билан шуҳрат қозонди.

Шу ўринда атоқли ёзувчи ва тилшунос олим Пиримқул Қодировнинг "Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва унинг адабий мактаби шарқда Мўғулистон чегараларигача, шимоли-ғарбда Волга бўйларигача, жанубда Мисргача бўлган шундай кенг ҳудудларда ижод қилган шоирларни бир адабий тил атрофига жипслаштиргани ва хилма-хил шеваларда сўзлашган туркий халқларнинг ҳаммаси учун умумий бир дорилфунун бўлиб хизмат қилгани илм-фанда ҳали ўзига яраша баҳо олгани йўқ", деган сўзларини эсладим.

1041 йили Туркистон музофотининг Сайрам (қадимда Исфижоб) қишлоғида Шайх Иброҳим оиласида таваллуд топган Аҳмад Яссавийни дастлаб бобоси Арслонбоб ота тарбиялайди, сўнг илму дунёқарашини такомилига етказиши учун уни Бухорога, Юсуф Ҳамадоний ҳузурига юборади... Яссавий қабри тепасига вафотидан кейин кичик бир сағана тикланган. XIV асрда, аниқроғи, 1397 йили Амир Темур Туркистонга ташриф буюриб, мазкур даҳма ўрнида йирик меъморий мажмуа бунёд этиш тўғрисида фармон беради. Бино битгач, унга вақф ерлар ажратишни тайинлайди (Соҳибқироннинг бу борадаги ҳужжати – "Иноятнома – вақфнома" ўн тўққизинчи асрда ҳам амалда эди). Яссавий мақабараси ўзининг кўлами жиҳатидан ўша замонда бунёд этилган Самарқанддаги Амир Темур жомеъ масжиди, Кешдаги Оқсарой ва Дор-ус сиёдатлар қаторида эди.

Мажмуа дастлаб жамоатхона, гўрхона, масжид, катта ва кичик оқ саройлар, китобхона, ҳалимхона, қудуқхоналардан, икки қаватли ҳужралар, ўттиздан ортиқ катта-кичик хоналардан иборат бўлган. Табиийки, энди уларнинг ҳаммаси ҳам мавжуд эмас, мавжудлари кўргазмали ашёга айланган.

Мажмуанинг қимматли мулк-бойликларидан бири улкан дошқозондир. Асосий катта хонанинг ўртасида "қўр тўкиб" турган бу ноёб идиш ҳажми жиҳатидан дунёда яккаю ягона бўлса ажабмас. Шўро даврида ана шу нодир осори атиқа ҳам Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейига олиб кетилган эди. Яссавий зиёратгоҳи бугун ҳам атрофга салобат тўкиб турибди. ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши мазкур ёдгорликнинг қиммати ва дунё меъморчилигидаги аҳамиятидан далолатдир.

Ҳудудда асосий мақбарадан ташқари Темурий шоҳ ва забардаст олим Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегим даҳмаси ҳам бўлиб, у ўн бешинчи аср охирроғида барпо этилган экан, демак, малика шу заминда яшаган ва дорилбақога рихлат қилган. Кейинчалик мажмуа депарасига бошқа таниқли зотлар ҳам дафн этилган.

Зиёратдан қайтар эканмиз, Яссавий бобомиз руҳи бизни кузатиб қолаётгандай дам-бадам тўхтаб, ортимизга қайрилиб қараб қўярдик.

## Ўтрор

Ўтрор Туркистон – Чимкент йўлининг чап ёғида жойлашган. Бир неча гектар тепаликдаги шаҳар харобалари ҳам овул йўлидан ичкарироқда бўлиб, унга улов қўйилмас экан.

Дарвозадан ўтиш билан чап ёндаги лавҳада қадимий Ўтрор шаҳри таржимаи ҳолининг қисқача шарҳи битилган. Унда, жумладан, шу номдаги воҳанинг VI — VIII асрлардан мавжудлиги, IX аср ёзма манбаларида савдо ва маданий марказ сифатида тилга олингани ва бошқа муҳим маълумотлар қайд этилган.

Биз машинадан тушаётганимизда ичкаридан чиқиб келишаётган бир гуруҳ сайёҳларга кўзимиз тушди. Улар Чингизхон вайрон қилган Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат қилиб юришган японлар экан.

Ўтрор харобалари Фороб қишлоғи йўлидан 300-400 қадам кун чиқишда бўлиб, икки ён Миртемир сўзлари билан айтганда "нақ қумлоқ чўл". Сийрак ўт-ўланлар қуриб, қовжираб ётибди.

Хароба ҳолдаги мадраса, хонақоҳ, сарой, масжид деворлари, мезанага олиб чиқувчи зинали айлана йўлаклар, ўртада катта бир қудуқнинг нишоналари сақланиб қолган. Аксарият бино, иншоотларнинг пишиқ ғиштдан барпо қилингани кўриниб турибди. Айтишларича, Ўтрор шаҳарчаси қадимда 150 гектар майдонни эгаллаган, қалъа ўрни эса 20-30 гектардан кам бўлмаган.

Қайтишда шу манзилга қоровуллик қилаётган Бовуржон исмли йигит чап томондаги тепаликда узоқдан қанот қоқиб турган улкан қушни эслатувчи иншоот томон бошлади.

— Бу шаҳар ҳаммоми бўлган, — деб тушунтирди йигит. — Унга Сирдарёдан сув келтирилган.

Мазкур ҳаммом қолдиғи 2004 — 2008 йиллари ЮНЕСКО ҳомийлигида бир оз тикланиб, томи темир ва қалин тунука билан ёпилган экан. Бинобарин, соҳибқирон Амир Темур бобомиз Чин мамлакати сари йўл олиб, бу жойда бежиз тўхтамаган – Ўтрор ўша даврлардаёқ маданий жиҳатдан юксалган, муҳим иқтисодий-сиёсий аҳамиятга молик қалъа, Туроннинг нуфузли шаҳарларидан бўлган.

Қолаверса, Соҳибқирон бобомиз Туркистондаги Арслонбоб ота, Аҳмад Яссавий каби улуғ алломаларнинг қабрларини тавоф айлаш учун ҳам бу ўлкага тез-тез ташриф буюриб турган бўлса, ажаб эмас... Катта қор ёғиб йўлларнинг тўсилиб қолиши Соҳибқиронни Ўтрорда тўхташга мажбур қилади ва у шу ерда касалланиб, вафот этади. Бинобарин, Ўтрор – буюк Темур умрининг сўнгги кунларига гувоҳ бўлган манзил сифатида ҳам тарихда қолган. Шаҳар харобаларининг бизни ўзига чорлаши, шунингдек, бу кўҳна заминга сафаримизнинг яна бир боиси улуғ бобокалонларимиздан бири Абу Наср Форобий қадамжоларини ҳам зиёрат қилишдан иборат эди. Зеро, ўша замонларда Туркистонгинамас, Дашти Қипчоқнинг катта бир қисми ҳам Соҳибқирон давлати тасарруфида бўлган.

## Эски Иқон. Устоз мозийгоҳида

Айланиб, Чимкент — Туркистон йўлига чиққанимизда масофанинг қарийб учдан бирини босиб ўтган эдик. Биз катта йўлдан ўнгга – Чимкентга қараб юришимиз лозим эди. Эски Иқонга – Миртемир қишлоғига бориш учун эса чапга – камида 45 км. қарама-қарши тарафга кетиларди. Мен секин Муҳаммад Али акага "Зокиржон акага айтмайсизми, мен қувватлайман", дедим.

— Шу юртга келиб, устоз Миртемир музейини кўриб кетмасак қандай бўларкин, Зокиржон ака, — аста гап бошлади адибимиз.

Музей берк экан, Зокиржон ака Машрабов олдида хижолат бўлиб турган эдик, худо етказдими, бир жувон келиб қолди ва бизнинг Ўзбекистондан эканимизни билиб суюнганини яшириб ўтирмади. Исми Ойсултон, 1986 йили Низомий номидаги педагогика институтининг бадиий графика факултетини битирган. Лекин журналистикага қизиқиши устун келиб, Эски Иқонда чиқадиган "Яссавий нури" ҳафтаномасида ишлар экан.

Музейга Миртемирнинг жияни Элбек қараб тураркан. Ойсултон одам юборди. Газета муҳаррири Бобур Раҳимов ҳам, Элбек ҳам бир пасда етиб келишди. Музей катта йўлнинг ўнг томонидаги хиёбонли майдондаги алоҳида бинода бўлиб, тўрт хонадан иборат эди. Унинг пештоқига "Миртемир атиндағи адабиёт музейи", деган лавҳа ёзилган.

Музейдан Миртемир домла ҳаёти ва ижодига доир, шоирнинг турли даврларда китоб ҳолида, вақтли нашрларда чоп этилган асарлари ҳамда у ҳақдаги мақолалар, фойдаланган буюмлар ўрин олган. Қарноқда, Коризда, Қорачиғда, Сайрамда таваллуд топиб, Тошкентда ўқиган ва ижод қилаётган шоир-ёзувчиларнинг суратлари, китоблари ҳам қўйилган. Зотан, Одил Ёқубов, Суннатилла Анорбоев, Носир Фозилов, Саъдулла Сиёев, Ғаффор Мўминов, Раҳимжон Отаев, Мирпўлат Мирзолар номи, ижодини ҳам устоз Миртемирдан айро тасаввур қилиш қийин.

Устоз Миртемир ёди ҳар қанча эъзозу ардоққа муносиб. Уни ўзбек ижодкорларигина эмас, Қозоғистоннинг таниқли адиблари ҳам қадрлаб, ижодини юксак баҳолашади. Шундай адиблардан бири Абдулла Тожибоевнинг "Миртемир Туркистонда туғилган, Қозоғистон фарзанди, Ўзбекистон булбули" деган лутфтаърифи музейнинг кўзга кўринарли жойига йирик ҳарфлар билан битиб қўйилибди.

Атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг дил изҳорлари бу эътирофни янада тўлдирган: "Миртемир домлада жуда катта шеърий хаёл бор эди. Ҳаётнинг кўпгина икир-чикирлари бу хаёл олдида баттар рангсизланар, домланинг сиймоси эса янада улуғвор кўтарилар эди. Шоирнинг бу юксак хаёли, ўчмас сиймоси абадий яшаб қолади".

Музей биноси жанубга қараган бўлиб, кун чиқиш томонда шоирнинг бюсти қўйилган экан. Шу ерда суратга тушдик. Ойсултон ва Бобур бизга "Яссавий нури" газетасининг бир неча сонини туҳфа этишди. Уларда Миртемир домла таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган адабий тадбирлар тўғрисида мақолалар босилган экан.

Бизни мўъжазгина бир қишлоқда адабиёт ва санъат йўналишидаги ҳафтанома мавжудлиги мамнун этди.



Газетадаги мақола ва бадиалардан, Ойсултоннинг сўзлари оҳангидан юрт зиёлиларининг Ўзбекистонга меҳри юксаклигини англадик.

**Қамчибек КЕНЖА**

Кўргазма залларида

## "ЕР КУРРАСИДА ТИНЧЛИК"

Ўзбекистон Бадиий академиясида "Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни"га бағишлаб шу номдаги анъанавий расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Болаларнинг акварел ва қаламда чизилган расмлари намойиш этилди.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Светлана Иномова бундай кўрик-танловлар болаларнинг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини ошириб, ижодий салоҳиятлари ўсишига хизмат қилишини таъкидлади. Олти ёшли Саидкамол Хўжаевнинг "Ер куррасида тинчлик" номли манзара суратида қуёш, камалак ва бахтли болалик тараннум этилган. "Оиламизда укам туғилди" номли расм муаллифи етти ёшли Фарзона Мажидий жажжи қалбидаги меҳрни рангларда акс эттирган. Олти ёшли Асрорбек қўлида пуфак ушлаган болаларни тасвирлаган. Уларнинг пуфаги, қўйлаги ҳам камалак рангида. Демак, болажон ҳаётимизнинг камалакдек ёрқин бўлишини истайди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказилган кўрик-танловда тўққиз иштирокчи ғолиб деб топилди. Еттита бола танловнинг турли номинациялари бўйича тақдирланди. Ғолиблар ташкилотчи ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари ва дипломларига сазовор бўлишди. Болалар томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар, мумтоз рақслар тадбирга файз бағишлади.

**Ситорабону ТОЛИБЖОНОВА**

Ёзувчилар уюшмасида

## ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЧУН

Болалик – беғуборлик. Ҳар бир киши ана шу беғуборликни сақлаб вояга етса, бу жамиятда яхши инсонларнинг кўпайишига, эзгуликлар бардавомлигига асос бўлади. Шу боисдан ҳам ёш авлод тарбиясига, уларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб улғайишига жиддий эътибор қаратиш муҳимдир. Болалар маънавиятини шакллантиришда эртакларнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда турли халқ эртаклари асосида кўплаб мултфилмлар яратилмоқда. Телеэкранлар орқали кўрсатилаётган мултфилмлар болалар тарбиясига таъсир этиши табиий. Лекин айни пайтда экранларда намойиш этилаётган мултипликацион филмларнинг ҳаммаси ҳам фойдали жиҳатларга эгами? Умуман, ҳозирги кунда болалар учун яратилаётган анимацион филмларнинг аҳволи қандай ва бу жараёнда асосан қайси муаммолар кўзга ташланаяпти?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида шу мавзуда атрофлича фикр алмашилди.

— Ҳамма яхши нарсаларни болаларимизга бағишлашга ҳаракат қиламиз, — деди Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — Шундай экан, болаларга бадиий филмлар ва мултфилмларнинг ҳам энг яхшиларини тақдим қилишимиз керак. Энг аввало, турли эртак ва ҳикоялар асосида яхши мултфилмлар яратиш, бунинг учун эса истеъдодли ёзувчи ва режиссёрларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур.

Дарҳақиқат, ҳақиқий ёзувчи ҳар бир асар устида, токи айтмоқчи бўлган гапи маромига етгунча, жиддий ишлайди. Росмана режиссёр ҳам ўз ишига ўта масъулият ва талабчанлик билан ёндашади. Бундай жараёнда, албатта, барчага ибрат бўладиган яхши асарлар яратилади. Болалар учун асарлар ёзаётган фидойи ёзувчи ва шоирларимиз ҳам, моҳир режиссёрларимиз ҳам кўп. Лекин айни пайтгача улар ўртасидаги ҳамкорликни етарли даражада деб бўлмайди. Эндиликда ҳар иккала соҳа ижодкорлари биргаликда иш олиб борсалар, кўзланган улуғ мақсадлар йўлида янада дадил қадам ташлаш мумкин.

"Ўзбеккино" миллий агентлиги раҳбари Жаҳонгир Қосимов бугунги кунда болалар ва ўсмирларга бағишланган филмлар ҳамда мултфилмлар тайёрлаш учун юқори савияли сценарийлар танлашда муайян қийинчиликларга дуч келинаётгани, истеъдодли ёзувчи ва шоирлар режиссёрлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишса, ушбу муаммолар ечимини топажагини билдирди.

Ҳозирги вақтда хорижий мамлакатларда тайёрланган кўплаб анимацион филмлар ўзбек тилига ўгирилиб, телеэкранлар орқали намойиш этиляпти ёхуд дискларга туширилиб, савдога чиқарилмоқда. Лекин уларнинг савияси, миллий тарбиямизга қанчалик тўғри келиши жиддий ўйлаб кўриладиган масала. Бинобарин, филмлар тарбия воситаларидан бири эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уларда, аввало, миллий қаҳрамонлар қиёфаси акс этишига, тилига, дидактик аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмаси асосида ҳар йили йигирмага яқин болалар ва ўсмирлар учун филмлар, ўнга яқин мултфилмлар ишлаб чиқарилаётганлиги таъкидланди. Аммо уларнинг ҳаммаси мазмунан пишиқми, тили болаларга мосми? Сценарийларнинг кўпчилиги ҳаваскор ижодкорлар томонидан тақдим этилаётганлиги, бу эса режиссёрлар ва киномуҳаррирлар учун ҳам муайян қийинчиликларни юзага келтираётгани айтилди. Шунинг учун эндиликда таниқли ёзувчи ва шоирлар ҳам бу ишда четда томошабин бўлиб турмасдан, яхши асарлар, сценарийлар ёзиб берсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу болалар масаласи, демакки, халқимиз, юртимиз келажаги масаласидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, таниқли шоирлар Турсунбой Адашбоев, Миразиз Аъзам, ёзувчи Ашурали Жўраев, режиссёрлар Мавзур Маҳмудов, Баҳодир Одилов, "Ўзбеккино" бош муҳаррири Ғафур Шермуҳаммад, "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири Феруза Жалилова ва бошқалар ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнгида ушбу соҳада ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

**Уйғун РЎЗИЕВ**

Тақдимот

## "БИЛЛУР САДОСИ"

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Биллур садоси" номли пиесалар тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Пиесалар тўпламига "Биринчи бўса", "Арра", "Майли, майли", "Мени айтди деманг", "Олқиш", "Зўлдир", "Сочқи", "Бир ўликка – бир тирик", "Товушсиз қарсаклар", "Некролог ёхуд пуч", "Шайтоннинг йўли ёхуд сохта никоҳ", "Тусмол ёхуд сенга бир гап айтаман" номли ўн иккита драматик асар киритилган. Ушбу асарлар лирик драма, сатирик комедия, трагикомедия жанрларида битилган. Улар юртимиз ва чет эл театрларида саҳнага қўйилган. Абдуқаҳҳор Иброҳимов пиесалари бугун ҳам театрларимиз саҳналарида намойиш этилмоқда.

Драматик асарлари яшовчанлигининг иккита муҳим хусусияти бор: у саҳнада ижро этилади ва китоб ҳолида чоп этилади. Китоб ҳолида нашр этилган драматик асарни ҳар бир режиссёр ўз маҳоратига кўра ўзига хос тарзда саҳнага қўйиши мумкин. Шунингдек, саҳналаштирувчи рассом ва бастакор ҳам ўз касб маҳоратидан келиб чиқиб, асарга ёндашади. Драмани китобдан ўқиган ўқувчи қаҳрамонлар қиёфасини ўзича тасаввур этади. Бунинг завқи бўлакча.

Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Жамол Камол, Омон Матжон, адиблар Эркин Самандар, Асрор Самад, Ҳайдар Муҳаммад, адабиётшунос олимлар Шуҳрат Ризаев, Омонилла Мадаев, Раҳмон Қўчқор, Муҳаммаджон Имомназаров ва бошқа ижодкорлар Абдуқаҳҳор Иброҳимов драмаларининг саҳна талқини, режиссураси, актёрлар маҳорати, қаҳрамонлар ва персонажларнинг типиклиги ҳақида фикр юритдилар.

**Ахборот хизмати**

## ИККИ ДОСТОН МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Шеърият кенгашида Икром Отамуроднинг "Ўрин", Зиёвиддин Мансурнинг "Шом ва тонг" достонлари муҳокамаси бўлиб ўтди. Икром Отамурод достонида ўрин тушунчаси фалсафий мазмун касб этган. Оламда ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Қуёш, ой, барча сайёралар доимо ўз ўрнида қатъий тартиб билан ҳаракатланади. Қуёш чиқишига, ой ва юлдузларнинг осмонда балқишига қараб одамлар кун ва тунни фарқлайди, вақтни белгилайди. "Олтин қозиққа" қараб карвонлар йўл топади. Табиат қонуниятларининг ўрни ўзгармайди. Фақат баъзи одамларгина ўз ўрнини билмайди, ҳаддидан ошади. Ўрин тушунчасида иш, амал, касб-ҳунар, жой маъноларидан ташқари, шахснинг жамиятдаги роли, одамлар орасидаги нуфузи, масъулияти, ижтимоий хизмати каби маънолар ҳам мужассамлашган. "Ўрин" достонида тимсоллар, ишоралар ва рамзлар воситасида инсоннинг, авлодлар ва аждодларнинг ҳаётдаги ўрни ифодаланган.

Зиёвиддин Мансурнинг "Шом ва тонг" достонида эса халқимиз бошидан кечган яқин ўтмиш ҳамда бугунги кун воқеалари тасвирланган. Шоир юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини катта меҳр билан куйлаган.

Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, шоирлар Турсунбой Адашбоев, Саъдулла Ҳаким, Салим Ашур, Рустам Мусурмон, Сирожиддин Рауф, адабиётшунос олимлар Нурбой Жабборов, Олим Тўлабоев ва бошқа ижодкорлар ҳар иккала достоннинг тили, тимсоллари, композицияси ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Асарларнинг ютуқ ва камчиликларига тўхталдилар.

"Ўрин" достони нашрга, "Шом ва тонг" достони қайта ишлашга тавсия этилди.

**Рустам МУСУРМОН**

Ўзбекистон Республикаси матбуот нашрларига обуна бўлинг! Дунё янгиликларидан хабардор бўлинг. Севимли матбуот нашрларингизни «Матбуот» дўконларидан харид қилинг.

«Матбуот тарқатувчи» АК
тел: 233-67-98; 233-75-49. e-mail: info@akmt.uz

# ЮКСАК ЭЪТИҚОД ВА САДОҚАТ СОҲИБИ

**«Жаҳон адабиёти» журналининг 2003 йил июл ойи сонида француз ёзувчиси Амин Мааллуфнинг Умар Хайём ҳаётига оид «Самарқанд» романини катта қизиқиш билан мутолаа қилдим. Айтишим жоизки, бу асардан кўпгина саволларимга жавоб топдим. Чунончи, муаллиф мўғуллар истилоси оқибатида юз берган талофатлар ҳақида ёзади: “Ер юзининг энг гуллаб-яшнаган шаҳарлари: Пекин, Бухоро, Самарқанд ер билан яксон қилинди. Бундай қирғинбаротдан кейин ҳам Самарқанд култепалар ўрнида қайтадан қад ростлади. Кейинчалик буюк Темур уни дунёвий салтанат марказига айлантирди. Аксинча, кўплаб шаҳарлар бир умрга култепа ҳолича қолиб кетдилар. Жумладан бир неча асрлар тафаккурий тараққиёт марказлари бўлган Марв, Балх, Нишопур шаҳарларининг қисмати шундай бўлди”.**

Дарҳақиқат, айнан темурийлар салтанатига дахлдор Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарлари тез камол топди, оламга машҳур бўлди, қадриятларимизга оид тарихий, ахлоқий, бадиий, илмий-ирфоний асарлар машъум жангу жадаллардан кейин ҳам маълум даражада асраб қолинди. Бунда умуминсоний тафаккурга асосланган, ҳанафийлик мазҳабига таянган нақшбандия тариқатининг мавқеи ҳам катта роль ўйнаган.

Кишилар Оллоҳга садоқат қатори тинимсиз бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланишни ўз мақсадлари деб билганлар. Қисқа вақт ичида Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудида Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Занги Ота, Хожа Аҳрор вали ва бошқа ўнлаб буюк сиймолар майдонга чиқиб халқни ахлоқ-одоб, инсоф ва диёнат, сабр-чидам, имон ва пок эътиқод сари етакладилар.

Бобур ҳам ўз даврининг етук зиёлилари қатори Хожа Аҳрор валига бекиёс ихлос билан қараган, гарчи ундан анча кейин туғилган, уни кўрмаган бўлса ҳам даврининг бу буюк сиймосига нисбатан юксак эҳтиромда бўлган.

«Бобурнома»да бу борада Бобурнинг дастлабки маълумотини отаси Умаршайх Мирзо ҳақидаги тавсифида ўқиймиз: “Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эди, ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эдилар”.

Умаршайх мирзо қандай фазилатларга эга эдики, Хожа Аҳрор уни ўз фарзанди сифатида кўрган? Яна «Бобурнома»да ўқиймиз: «Бисёр саховати бор эрди. Хулқи дақи саховатича бор эди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширинзабон киши эрди, шужоъ ва мардона киши эди». Бобур Умаршайхнинг яна бир юксак инсоний хусусияти ҳақида ёзади. Хитой карвони келаётганда қор тагида қолиб, атиги икки киши жон асраб қолади. Умаршайх карвон молларини ипидан игнасиғача рўйхат қилиб, икки йил сақлайди ва мол эгасини топиб барчасини топширади. Бобур отасининг уруш олиб боришга, мулкка мулк қўшишга уқуви йўқлигини ҳам яширмайди. Аммо унинг давр султони бўлиб «Хамсатайн» ва маснавий китобларини ва тарихга оид рисолаларни, «Шоҳнома»ни ўқиганлигини таъкидлар экан, Хожа Аҳрорга бўлган юксак садоқати боис маърифатга меҳри баландлигига урғу беради.

Бобур 1497 — 1498 йиллар воқеаларини зикр этаркан, султонликлар орасидаги муросасизлик оқибатида олиму фузало, машҳур кишилар жабр тортишганини таассуф билан баён этган. Шулардан бири Абдулла Хожа Мавлоний қозидир. Бобур бу шахсга ижобий баҳо бераркан, унинг ростгўйлиги, шижоатли ва қўрқмаслигини таъкидлайди. Бобур ўша даврдаги феодал қарама-қаршиликлар, мақсадсиз урушлар, зиддиятлар оқибатида содир бўлган ноҳақ қурбонликларни қоралайди, даврнинг етук кишилари, олиму фузалоларининг бемаҳал оламдан кетишларини қайғуриб гапиради, ўша давр султони фақат Хожа Мавлонийдан қасд олиш билан чекланмай унинг барча яқинлари, уруғига ҳам зарбалар берганлигини афсус билан қайд қилади: «Хожанинг воқеасидан сўнг Хожага мансуб эллар, мисли навкар ва чокар ва аймоқ ва аҳшомни тамом туттуриб талаттилар». Ушбу баёнида Бобур «Хожа Қози Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг муриди эди. Алардин тарбият топди. Хожа Қозининг валилигига менинг ҳеч шакким йўқтур. Қайси киши вилоятқа мундин яхшироқ далилдурким, аларға қасд қилғонлардин оз фурсатга осор ва аломат қолмади», дея ёзади.

1498 – 1499 йиллар Бобурнинг йўли Хўжанд ва унинг атрофидаги ерлардан ўтади. У Хўжандга тўхтамоқчи, аммо «Хўжанд мухтасар ередур. Юз-икки юз навкарлик кишининг авқоти ташвиш била ўтар" дер экан, бунда муқим қолиш фикридан қайтиб бошқа манзилни ихтиёр этади. Бобур қалбига яқин, ўзи ва отасининг пири Хожа Аҳрор валига мансуб Ёряйлоқнинг Пашоғар кентида жойлашади, бу оғир дамларда ҳам пири муршиди «соя»сидан макон ва ором топади, худди ўз мулкидек бир қиш давомида аскару беклари билан яшайди. Айни пайтда шу ерлик кишилар ҳам Бобурни Хожа Аҳрор муриди, юксак ихлосманди боис беозор қабул қилган: «...Муҳаммад Ҳусайн кўрагон дуғлатким, Ўратепада эди, Самарқандға эврушмак доияси била анча кишилар йибориб, сўзлашиб, Ёряйлоқ кентларидин Пашоғарниким, Ҳазрати Хожанинг мулк кентларидиндур, бу фатаратга анча тааллуқ бўлуб эди, тиладукким, бу қиш орияти бергин, то анда ўлтуруб Самарқанд вилоятиға иликдан келганча эврушгаймиз».

Шунингдек, Бобур Султон Аҳмад Мирзони «Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди» дер экан, ахлоқини сифатлайди ва бир ажойиб мисол келтиради. Бобурнинг фикрини келтиришдан олдин шуни таъкидлаш жоизки, «Бобурнома»да бугун, айниқса, ёшлар маънавияти ва тарбиясига доир одоб-ахлоқ унсурлари кўплаб учрайдики, уларда ҳар бир ҳаракатда одоб қоидаларига риоя этиш инобатга олинган ва бу қоидалар шахс ахлоқини белгилашга хизмат қилган. Ҳатто кишининг ўтириши, туриши, қўл, оёқ, тана, кўз, қошнинг озгина ўринсиз ҳаракати ҳам одобсизлик саналган, даврада ўтириш, катталар ҳузурида одоб-ахлоқ талабларига риоя этиш тарбия белгиси ҳисобланган. «Бобурнома»да Султон Аҳмад Мирзонинг ўз устози олдида ноқулай аҳволга тушиб қолгани ва Хожа Убайдулланинг зийраклиги туфайли бу ноқулайлик бартараф бўлганига шундай мисол келтирилади: «Хожа суҳбатида, дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган эмастур. Бир навбат ҳазрати Хожа суҳбатида бар хилофи одат оёғини ёвуткаб ўлтирубтур. Мирзо кўпқондин сўнг ҳазрати Хожа буюрубтурларким, Мирзо ўлтурғон ерни боққайлар: бир сўнгак бор экандур».

Бу ўринда диққатимизни шу мисолга қаратсак. Бунда устоз ўз шогирди — давр султонзодасининг бир қараганда арзимасдек туюлган камчилигига эътибор беради. Султон Аҳмад ўз устози ҳузурида одоб доирасидан сал чиқиб, беихтиёр оёғини узатиброқ ўтиради. Бу ҳолатни зийраклик билан сезган Хожа Убайдулла хизматчиларга у ўтирган жойни кўздан кечиришни буюрганда султонзода ўтирган жойнинг тагидан суяк чиқади ва бу камчиликда унинг айби йўқлигини Хожа таъкидлайди.

Бу оддий бир ҳолат баёни мисолида инсоннинг ахлоқан комиллиги унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлиши, ана шу “майда-чуйда»лар киши табиати, феъл-атворини шакллантиришини англаб етамиз. Акс ҳолда содир этиладиган биргина ношоиста ҳаракат, ўринсиз айтилган сўз ахлоқимизга путур етказиши, унинг ислоҳи эса кўп вақт, машаққатлар эвазига амалга ошиши, айрим ҳолда у киши шаънига бир умрлик доғ бўлиб тушиши мумкин.

Бобур Султон Аҳмад мирзо ҳақидаги фикрини давом эттирар экан, устоз-шогирд масаласига алоҳида эътибор беради. Бунда Хожа Убайдулла ўз даврининг юксак мақомдаги устози, муаллими, руҳшунос педагоги сифатида гавдаланади. Темурийлар саройида султонзодалар шеъртаъб, илмлардан хабардор этиб тарбияланганлар. Бобур фикрича, Султон Аҳмад «ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди. Бовужудким, шаҳрда улғайиб эди, турк ва содда эди. Табъида баҳраси йўқ эди». Бироқ давр илми пешвосининг устозлиги, ахлоқий ўгитлари боис Султон мирзонинг муаммолари ўз ечимини топган, яъни «шаръ тариқи била файсал топар эди». Ана шу аллома тарбияси боис у фақат диний қарашларда эмас, балки шахс, давлат арбоби сифатида ҳам «аҳд ва қавлиға рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин хилофе зоҳир бўлмади».

Бобур Хожа Аҳрор валига фақат пир сифатида муносабатда бўлмаган, балки унинг асарларини диққат билан ўрганган. Масалан, устозининг «Волидия» номли асар ёзгани, «Қасидаи Бурда»га қўл урганда Оллоҳга юксак эътиқоди боис давоси мушкул касалликдан фориғ бўлганлигини таъкидлар экан, ўзича шу асарни туркий тилга таржима қилиш ва муаллифига юксак садоқати боис ўзи ҳам мавжуд касалликдан фориғ бўлишни орзу қилади. Бу мисол ҳам Бобурнинг Хожа Аҳрор валига бўлган юксак эътиқоди, эҳтиромидир. Ушбу мавзу кўпгина бобуршунослар, адиблар (А.Қаюмов, А.Абдурашидов, П.Қодиров, Х.Султон ва бошқалар.) томонидан ҳам таҳлил этилган, тасвирланган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, “Бобурнома”даги кўплаб факту рақамлар бугунги кунда баркамол авлод тарбиясида, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашда, уларнинг феъл-атворида умуминсоний хислатларни қарор топтиришда, эзгулик, поклик инсон умрининг безаги эканлигига ишонч ҳосил эттиришда таъсирчан восита сифатида хизмат қилиши шубҳасиз. Бу хислатлар бугунги ёшларимизни миллий истиқлолимиз ғоялари руҳида тарбия топишида кўмак беришига ишончимиз комил.



**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор, Халқаро Бобур мукофоти лауреати**

# БОБУРИЙЛАР МАДАНИЯТИГА ОИД МАНБА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Яна “Жаҳонгирнома”да ёзилишича, Тоторхон лақабли Татарбек бин Али Муҳаммад Акбар подшоҳнинг салтанати охирларида (1605 йил) Султон Хуррам(Шоҳжаҳон бин Жаҳонгир)га ўзбек тилини ўргатувчи муаллим этиб тайинланган. Жаҳонгир даврида ҳам у саройда тил бўйича муаллимлик қилиш баробарида бошқа катта мансаб ва мукофотлар билан сийланган.

1611 йил 14 март кунги (етмиш тўртинчи) йиғинда Ҳиндистонга янги келган ва кейинчалик Жаҳонгир давлатида амирлик мансабига эришган асли мовароуннаҳрлик Абдураззоқберди ўзбек тилида Абдуллоҳхон Иккинчи ҳақидаги бир қизиқ воқеани сўзлаб бераркан, ҳикоядан завқланган Жаҳонгир ёнидаги ўзбек тилини тушунмайдиган кишиларга меҳмоннинг бу мароқли гапларини форсчага таржима қилиб беради.

Маълумки, Мовароуннаҳрда кечган сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаёт Ҳиндистон ҳукмдори Жаҳонгир подшоҳни ҳамиша қизиқтириб келган. Аммо шу билан бир қаторда Турон ўлкасининг ўтмишига нисбатан ҳам бефарқ бўлмаган. “Мажолиси Жаҳонгирий”да ёзилишича, унинг бу каби хислати Абдураззоқберди сингари туронликларни ҳайратга солган. 1611 йил 17 мартида ташкил қилинган навбатдаги (етмиш бешинчи) йиғин Абдураззоқбердининг Агра шаҳри четидаги янги иморат ва боғида ўтказилиб, амир Абдураззоқберди Жаҳонгирнинг ташрифидан боши осмонга етганини қувонч билан изҳор қиларкан, “Подшоҳ иноят қилган бу иморат ва бу янглиғ ташриф илтифоти қиёматгача ўзим ва фарзандларим учун муборак бўлсин”, дея дуо қилади. Шунда подшоҳ: “Бар дўст муборакему бар душман шум (Дўстга оқибатлимизу душманга шум)” дейди ва ёнидагиларга бу мисра келган рубоийнинг қолган мисраларини ҳам айтишни буюради. Ҳожи Муҳаммад исмли амалдор бу мисра олдига “Дар разм чу оҳанему дар базм чу мум (Урушда темирмиз гўё, базмда мисли мум)” сўзларини қўшади-ю, аммо қолган байтини айта олмайди. Сўнг Жаҳонгирнинг ўзи рубоийни тўлалигича эслаб, уни қуйидаги байт билан тугал қилиб ўқийди:

**Аз ҳазрати мо баранд инсоф ба Шом,**
**Ва зи ҳайбати мо баранд зуннор ба Рум.**

(Мазмуни: Адлу инсофимиз хабарини элтарлар Шомга, Ҳайбатимиздан зуннор ташлар эгнидан Рум.)

[“Рум” (Иккинчи Рум) – эрамизнинг тўртинчи асридан масиҳийликни қабул қилган Рим императорлари тасарруфидаги Византия мамлакати. Бу мамлакат XV асрда усмонли турклар қўлига ўтган даврга қадар христианлар ўлкаси, мағрибдаги унга чегарадош Шом (Сурия) мамлакатигача ерлар мусулмонлар давлати бўлган. Бу ерда ана шу чегараланиш кўзда тутилган – **И. Б.**]

Шундан сўнг бу ўтиришда мазкур рубоийнинг ўтмиш султонларидан бирининг қайсидир подшоҳга ёзиб юборган асари экани айтилиб, кетидан Чингизхоннинг Султон Жалолиддин Мангубердини қувлаб, Синд дарёсигача боргани ҳикояси тилга олинади.

Шунда амир Абдураззоқберди Жаҳонгирнинг туркий халқлар тарихига бунчалик қизиқишидан ҳайратга тушиб, “Ҳиндистон подшоҳини Турон тарихига бу даража қизиқади деб ўйламаган эдим. Демак, гарчи зоҳирда Ҳиндистон малики бўлсалар-да, аммо ботинда ва улуғворлик ва мерос эгалиги бобида бутун олам подшоҳи эканлар” дейди.

Албатта, айни рубоийнинг кимга алоқадорлиги фактини аниқлаштириш матншунослар ишики, бунда, биринчи навбатда, рубоий ҳавола этилган асарлар қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш лозим бўлади.

Аммо шунга қарамасдан, мантиқий хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Мажолиси Жаҳонгирий”да бу рубоий келтирилгач, унинг ижодкори “қайсидир султон” эканига урғу берилади. Шундан сўнг Абдураззоқберди қурган иморат ёки Жаҳонгир ташрифи воқеаси баёни билан боғланмаган ҳолда Султон Жалолиддин Мангуберди ҳикояси келтириладики, афтидан, бу султон номи мазкур рубоийга муаллифлик муносабати билан тилга олинган.

Бир юз йигирма иккинчи мажлисда (1611 йил 15 ноябр) Жаҳонгир подшоҳ ўтирганларга қуйидаги ҳикояни айтиб беради: “Бир куни ҳазрат арш остонийга (Акбар подшоҳ –**И.Б.**) марҳум шаҳзода (Парвез бин Жаҳонгир – **И. Б.**) оиласида ўғил фарзанд туғилгани хабари келади. Шунда болага исм қўйиш ўйига тушадилар. Чақалоқ толесини кўрган мунажжимлар жадвалда бу вақтнинг бош ҳарфи “то” устига тўғри келгани учун боланинг исми “Темур” бўлишини маслаҳат берадилар. Бу гап қулоғимга етишгач, менга оғир ботди. Чунки бундай улуғвор исм менга ҳам, фарзандларимга ҳам қўйилмагани ҳолда масъулияти жуда юксак бу номни ўғлимнинг ўғлига қўйиш эса ўта ўринсиз эди. Хуллас, саройга бориб, бу фикримни отамга айтдим”.

Жаҳонгирнинг бу ҳикоясидан кейин йиғин қатнашчиси Маҳобатхон: “Инсоф билан айтганда бундай исм Сизга муносиб бўларди” дейди. Жаҳонгир Маҳобатхоннинг бу гапини нотўғри деб билади ва “Мен ҳали у ёқда турай, адолат ва инсоф билан айтганда, бу ном Бобур Мирзога ҳам, Ҳумоюн подшоҳ ва Акбар подшоҳга ҳам етмайди. Бу исм қайси ҳукмдор шу пайтгача ҳеч ким қўлга кирита олмаган миқдорда юрт олса, ўшанга муносибдир. Ўзгага эса ҳаром” дейди.

Бу гапдан ҳамма қатори ҳайратга тушган йиғин қатнашчиларидан яна бири Диёнатхон Мовароуннаҳр ҳукмдори Абдуллоҳхон Иккинчининг ҳар гал Хуросон юришидан қайтиб, Самарқандга зиёрат учун борганида унинг учун ҳазрат соҳибқирон тахтгоҳи пойида жой ҳозирлашлари, аммо бир гал Хуросондаги катта ғалабадан кейин давлат катталари ва қозилар бу қоидани бузиб, ўтириш палосини соҳибқироннинг муборак тахтгоҳи устига тўшаганлари, буни кўрган Абдуллоҳхон Иккинчи эса ўз қўли билан уни тахт устидан тортиб олиб “соҳибқирон янглиғ жаҳонгирнинг тахтига ўтиришга муносиб эмасмен” дегани ҳикоясини бошлайди.

Ҳикоя давомида айтилишича, ўшанда ўзбек улуғлари “Нега энди, Мовароуннаҳр Сизники, мана Хуросонни ҳам тўлалигича эгалладингиз, Сиз соҳибқирон тахтида ўтиришга лойиқсиз” дейишган. Хон эса яна ўша гапини такрор айтган. Аммо хушомадгўй олим ва амалдорларнинг анча далил келтириб қилган илтимосларидан кейин тахтга жуда яқин ерда кигизини тўшатиб, аммо Амир Темур тахтига чиқиб эмас, балки тахтга суянибгина ўтирган экан.

Хоннинг бундай хислати Жаҳонгирга жуда маъқул келиб, “Улуғларни қадрлаш фақат улуғ кишиларга хосдир, бундай кишилар ўз ўрнини жуда яхши билишади” дейди ва “Мен Самарқандда яшаётган бўлсам эди, ҳар кун ўша ерга бориб, соҳибқирон тахти пойини ўпган бўлардим. Худои таоло Амир Темурга шундай мақомни ато этган экан, Бобур Мирзодан тортиб, ҳеч бир бобурийнинг бул тахт устига чиқиб ўтиришга ҳаққи йўқдир. Агар Абдуллоҳхон ана шу ҳурмат қоидасига риоя қилган экан, демак, бу билан у ўзининг улуғворлик ва инсофлилик хислатини кўрсатган” қабилидаги сўзларни қўшиб қўяди.

1626 йил ноябр ойида Лоҳурдаги Жаҳонгир ҳузурига бориб, ўша ерда тўрт ой туриб қайтган Мутрибий Самарқандий ҳам 1627 йил март ойигача Жаҳонгир подшоҳ уюштирган йиғинлар иштирокчиси бўлади ва ўттиздан ортиқ бундай мулоқотни ўзининг “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкирасига илова қилган хотима қисмида баён этади.

“Мажолиси Жаҳонгирий”ни нашрга тайёрлаган олимлар Мутрибийнинг бу асарини Абдусаттор бин Қосим Лоҳурийнинг мазкур китоби давоми сифатида баҳолаганлар.

“Мажолиси Жаҳонгирий”да Мутрибий ҳикояларининг айрим маълумотларига ойдинлик киритадиган хабарлар мавжуд. Масалан, Мутрибий мулоқотлардан бирида Жаҳонгир подшоҳнинг Абдуллоҳхон ва унинг ўғли Абдулмўъминхон суратини кўрсатиб, расмнинг ўзбек хонларига ўхшатиб чизилган ё йўқлигини сўрайди ва Мутрибийнинг тушунтириши асосида рассомга уларни тўғирлаб қўйишни буюради.

Мутрибий ўз ҳикоясида рассомнинг кимлигини айтмаган. “Мажолиси Жаҳонгирий” муаллифи йигирма биринчи (1610 йил 29 июн) мажлис баёнида ёзишича, бу расмлар ижодкори Усто Фаррух экан.

“Мажолиси Жаҳонгирий”ни нашрга тайёрлаган олимлар ёзишича, асар муаллифи Абдусаттор бин Қосим Лоҳурий ҳақида Жаҳонгир подшоҳ ўзининг “Жаҳонгирнома” китобида маълумот берган бўлиб, унинг мазмуни қуйидагича: Абдусаттор бин Қосим Лоҳурий 1619 йил Наврўзида Жаҳонгирга Ҳумоюн Мирзо қаламига мансуб асар қўлёзмасини совға сифатида тақдим қилади. Шариат ва илми нужум, мусиқа каби соҳалар ҳақида сўз юритилган бу китоб Ҳумоюннинг ўз қўли билан кўчириб ёзилган экан. Жаҳонгир бобоси ёзувини кўзига суртиб зиёрат қилади ва завқланиб: “Ҳеч бир совға бу тенгсиз туҳфа каби мен учун қимматли бўла олмайди” дейди.

Мутрибий “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”да Абдуллоҳхон Иккинчининг Бухородаги кутубхонасида Ҳумоюн подшоҳнинг ўз қўли билан кўчириб ёзган “Ҳумоюннома” номли китобини кўргани ҳақида ёзади. Мутрибий бу китоб тавсифи борасида берган хабар айнан “Жаҳонгирнома” муаллифи тилга олган таъриф билан ҳамоҳангдир. Демак, Ҳумоюн подшоҳ бу асаридан бир нечта нусха кўчириб, уларни Мовароуннаҳрга ҳам юборган экан.

Шунингдек, “Мажолиси Жаҳонгирий” асарининг шайх Нажмиддин Кубро ҳамда унинг шогирди шайх Маждиддин Бағдодий билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ можароси, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Улуғбек шогирди Али Қушчи билан анча чигал кечган муносабати, Абдуллоҳхон Иккинчи билан отаси Искандархон ўртасида рўй берган фарзанд тарбиясига оид воқеалар, Ҳиндистондан Ўрта Осиё хонлари ҳузурига юборилган элчилар фаолияти ҳақидаги ҳикоялари ҳам ўзбек китобхони учун қизиқарлидир.



**Исмоил БЕКЖОН,**
**филология фанлари номзоди**

# ОҚИЛА ВА МУДАББИРА ОНАЛАР

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар давлатига хос хусусиятлардан бири аёлларга бўлган муносабат масаласидир. Зеро, аёллар ҳам улуғ мавқега эга бўлган (Бу ҳақда қаранг: Руи Де Клавихо. "Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 — 1406), "Ўзбекистон", 2010. 154 — 190-бетлар; Низомиддин Шомий. "Зафарнома", "Ўзбекистон", 1996. 34, 36, 123, 190, 222, 393-бетлар; Шарафиддин Али Яздий. "Зафарнома". "Шарқ" НМАК, 1997. 384-бет; Турғун Файзиев. "Темурий маликалар", "Ўзбекистон", 2012. 72-бет).

Ҳар бир "хоним" ва "бегим"ларнинг мол-мулки, қароргоҳлари, хазинадан улуши, турли хизмат турларини бажарувчи хизматкорлари бўлган. Фақиҳлар, қозилар, шайхлар, мўътабар шахслар баъзи ҳолатларда улар фикрини инобатга олишган.

Бобур "Бобурнома"да олтмишга яқин хотин-қиз образини у ёки бу даражада асар характеридан келиб чиқиб тасвирлайди. Ушбу образлар ва уларга муносабат Бобур сиймосининг баъзи жиҳатларини белгилашда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бобур ўзи тасвирлаган хотин-қизлар образини таништиришда объектив бўлишга интилади, тарихий-қиёсий усулдан фойдаланади. Чунки улар тарихий образлар — темурий ва мўғул хонлари саройи билан боғлиқ "хоним", "бегимлар" ва "оғача", "ғумма"лар ҳамда 96 нафар набира соҳибаси, хотираси билан Бобурни ҳайратга солган деҳкатлик бир юз ўн бир яшар хотин, Иброҳимнинг онаси малика Буъадир. Асарда шоҳ, султон, хон, мирзаларнинг, хусусан, Умаршайх мирзо, хон додаси Юнусхон ва Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Ҳусайн Бойқаролар билан боғлиқ "Авлоди" ва "Хавотин ва сарори" фаслидаги фикр-мулоҳазалар, тарихий маълумотлар берилган. Бу фаслда хотин-қизлар номманом санаб кўрсатилади, изоҳлар, қисқа, лўнда таҳлиллар ҳам бериладики, бу билан Бобур ўз даврининг мураккаб сарой ҳаётига ҳам аҳамият қаратган, янги гаплар айтган.

Бобур онаси Қутлуқ Нигорхонимни "Бобурнома"да ўн уч ўринда тилга олади. Асарда "менинг волидам", "менинг онам", "волидам", "волидахоним", "онам", "онам хоним" жумлалари билан энг кўп тасвирга олган аёл образи ҳам аслида онасидир. Қутлуқ Нигорхоним ҳақида ёзилган сюжетларнинг барчаси бир нуқтага жам қилинса, қуйидагича маълумот ҳосил бўлади: "Юнусхон ва Эсон Давлатбегимнинг иккинчи қизи, Умаршайх мирзонинг хотини, Хонзодабегим ва Бобур мирзонинг волидаси, Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон эгачиси, "Аксар қазоқликларда ва фатаратларда" ўғли Бобур билан бирга бўлган фидойи она; ўрни келганда оналари, иниларига қўшилишга интилган, аммо "ҳеч навъ риояте ва шафқате кўрмаган" заифа хоним, тахтсиз шоҳ ўғлининг ягона чодирида паноҳ ва ҳимоя топган муштипар она; ўз саъй-ҳаракати билан Бобурни яқинларининг қизлари Ойша Султонбегим, Зайнаб Султонбегимларга уйлантириб, ўғли қатори "сура-сура ташвишлар кўрган", "хейли сазоворлиқ кўрмаган" қайин она; "замона ноҳамворлиғидин ва даврон носозкорлиғидин" беҳузур бўлиб дардлар топган Қутлуқ Нигорхоним. Кобулда, ўғли Бобур қўлида "Тенгри раҳматиға бориб" тоғ этагида донишманд подшоҳ Улуғбек Кўрагон барпо қилган боғ - "Боғи Наврўзи"да (бу боғнинг эгаларига Бобур бир минг танга бериб рози қилганлигини Гулбаданбегим "Ҳумоюннома"-да ёзиб қолдирган) мангу макон топган раҳматли она". Ушбу тасвирлардан Бобур шахсининг, маънавий фазилатининг бир жиҳатини кузатиш мумкин, яъни ҳар қандай ҳолатда, беқарор замонда ҳам онасига муносиб вазият топа билиши, онаси шафқатлари ҳаққини адо қилишга интилишидир. Бобурнинг бу ўзгача фазилати жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

"Бобурнома"да муаллиф улуғ онаси Эсон Давлетбегим, Шоҳбегим Бадахший, Хадичабегим, Зуҳрабегим оға, Малика Буъа образлари мисолида дипломатик имтиёз ва иммунититга эга сарой, давлат, раъият ишларида юқори мавқели аёлларни кўрсатади. Бобур берган маълумотларда бу аёлларнинг мулк, миллат ишларига, подшоҳ ва шаҳзодалар ҳаётига ижобий ёки салбий, хайрли ё хайрсиз таъсир кўрсатганини ҳам таъкидлаб ўтади.

Бобур асарида "улуғ онам" деб уч ўринда қаламга олган Эсон Давлатбегим ҳақида жуда кам учрайдиган нодир маълумотлар берилган. "Ул фурсатда сағрийча бекларнинг улуғи Шер Ҳожибек эди, анинг қизи Эсон Давлатбегимни олди". Демак, Эсон Давлатбегим бекларнинг улуғи оиласидан чиқиши ва мўғул хонларидан Юнусхон никоҳига кириши унга сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан илғор муҳитга киришига имкон берган. "Мўғул тўраси била хонни ва Эсон Давлатбегимни бир оқ кийиз устига ўлтурғузуб хон кўтардилар" хабари эса тўра — қонун билан кафолатланган малика сиймосини намоён қилади. Улуғ онанинг ташкилотчи ва тактик сифатидаги маҳорати боис Бобур давлатига қарши курашга отланган Ҳасан Ёқуб бошчилигидаги душманлар ҳамласи барбод қилинади. Баъзи манбаларда ушбу фитна ва унинг фош этилиши билан боғлиқ таҳлилларда негадир Эсон Давлатбегим тилга олинмаган (Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 3-жилд. XVI асрдан XVIII асрнинг 70-йилларигача. "Фан", 1978. 46-бет).

Ижтимоий ҳаракатчанлик, фаоллик Бобур ҳокимиятига хайрихоҳлик, кучли индивидуализм кабилар фақат Эсон Давлатбегимга хосдир. Шу туфайли Бобур сиёсий ҳаётини бойитган улуғ онасига бўлган муҳаббати ва ҳурматини изҳор этиб "Хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсон Давлатбегимча кам бўлғай эди. Бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш - куч уларнинг машварати била бўлур эди" (Бобур. Бобурнома, "Шарқ" НМАК, 2002. 47-бет), деб ёзади. Бобурнинг бу фикрларига монанд ва хайрихоҳ фикрлар бошқа манбаларда ҳам учрайди (Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. "Маънавият", 1998. 13 — 14-бетлар; Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихий Рашидий. "Шарқ" НМАК, 2010. 147, 148, 155, 157-бетлар; Хондамир. Буюклик хислати. "Шарқ" НМАК, 2011. 44 — 45-бетлар).

Бобур ўз тасвир ва таърифларида бирон бир хотин-қизнинг шакли-шамойили, ҳашамати, кийиниш тарзи, зебу зийнати, пардози билан боғлиқ жиҳатларига лавҳаларни бермайди, ваҳоланки лирикасида бундай бадиий тасвирларни учратишимиз мумкин. Бобур хотин-қизларнинг ақли, одоби, фаросати, ҳурмат ва эътибори, латофати, меҳру муҳаббати, идроки масаласида қатъий фикр билдиради. Ҳатто муносиблик жиҳатидан ўзига тенг бўлган аёлни топиш Бобур учун ҳам осон кечмаганидан хабардор бўламиз.



**Буробия РАЖАБОВА,**
**ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди**

Ўзбекистон Республикаси матбуот нашрларига обуна бўлинг! Дунё янгиликларидан хабардор бўлинг. Севимли матбуот нашрларингизни «Матбуот» дўконларидан харид қилинг.

«Матбуот тарқатувчи» АК
тел: 233-67-98; 233-75-49. e-mail: info@akmt.uz

# ДЎРМОН САБОҚЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўз ижодий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда таржимон тиллар аро элчи эканлигини эслатди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, устоз Абдулла Орипов билан бўлиб ўтган мулоқот ҳам ёшларда унутилмас таассурот қолдирди.

Шунингдек, "Жаҳон адабиёти", Ёшлик", "Шарқ юлдузи" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Китоб дунёси" газеталари жамоалари билан бевосита учрашувлар ташкил этилди. Алишер Навоий номидаги қўлёзмалар музейи, атоқли адиб Ойбек уй-музейи ҳамда Миллий театрга саёҳатлар уюштирилди. Қадим қўлёзмалар, суратлар, тарихий осори атиқалар билан юзма-юз турган ёш юракларда ифтихор туйғуси мавж урди. "Қуёшни сен уйғотасан" пиесаси муаллифи, таниқли ёзувчи Қўчқор Норқобил билан учрашув ҳам қизғин баҳс-мунозарага бой бўлди.

Бугунги ёшларнинг туйғулари тоза, фикри теран. Асосийси, улар Юртбошимиз меҳрини, эътиборини ҳис қилиб туришибди. Улар профессионал даражада ижодкор бўлиб етишиш остонасида туриб, элу юртимизнинг муносиб фарзанди ўлароқ, умрбоқий асарлар ёзиш, замондошлар қиёфасини яратиш, Ўзбекистон номини дунёга таратиш асосий мақсад эканини англаб етганлар. Мавлуда Емберганова, Дурдона Ўроқова, Мафтуна Муҳаммадаминова, Исомиддин Пўлатов, Азизбек Қурбонов, Нодир Мажидов каби барча семинар қатнашчиларининг келажагига ишонч билдирса арзийди.

Ушбу семинар нафақат ёшларга, балки устозларга ҳам ўзига хос сабоқ бўлди. Устозларимиз ёшлик шижоати, ғайратидан баҳраманд бўлдилар. Қўлида қалам тутган ҳар бир ижодкорда ижодга бўлган масъулият янада ошди. Семинар ўз ишини якунлади, деб айтишга шошмаймиз. Чунки ҳар учта ёш ижодкорга тажрибали устозлар бириктирилиб, ҳамкорлик қилиш ва бу борада раёсатга ҳисобот бериб бориш тайинланди. Демак, адабиёт анжумани, адабиёт сабоқлари давом этади.

О`ГЕНРИ

# ФОЙДАЛИ ҚЎЛЁЗМА

Ҳикоя

Бу бино мамлакатимизнинг суяги ва асаби бўлган Техас нашрига тегишли. Чунки бу ерда энг шов-шувли мақолалар тайёрланади. Муҳаррир ўзининг ёзув столида бошини чангаллаб, ғамгин қиёфада хат ўқирди. Бу хат қарзга қоғоз берган фирмадан келган бўлиб, қоғоз пули ундирилмаганда судга мурожаат қилишга мажбур бўлиниши ҳам айтилганди. Муҳаррир хатга такрор кўз югуртираркан, столига яна ҳам яхшироқ ўрнашди. Шу пайт хонага эскидан одати маълум бўлган бир мижғов шикоятчи, икки қўлтиғида баайни ўтин қўлтиқлагандек қилиб, оғир қўлёзмани кўтариб кирди ва муҳаррирнинг столи устига бирин-кетин қўйди.

— Нима бу? — сўради муҳаррир қовоғи уюлиб.

— Мен бу қўлёзма устида узоқ вақт ишладим. Мана, марҳамат, тайёр. Ниҳоят битди.

— Хўш, нима бу?

— Бу, жаноб президентнинг ёлғондакам берган ваъдаларига жавоб.

— Сизнингча бунинг оғирлиги қанча? — сўради муҳаррир ўйчан ҳолатда қоғозларга қараркан.

— Беш юзу йигирма етти варақ, жаноб ва...

— Варақнинг икки томонига ҳам қалам билан ёзганмисиз? — сўради муҳаррир кўзлари ғалати тарзда ялтираб.

— Ҳа.

— Қўлёзмани қўйиб кетишингиз мумкин. Ўйлайманки, биз уларни керакли мақсадларда ишлата оламиз, — деди муҳаррир креслосидан қўзғаларкан...

Шикоятчи ўн дақиқача қўлёзмасидан кўз узолмай, мамнун қиёфада тикилиб турди. У ўзича юқоридагиларга керакли мушт туширганига ишончи комил эди. Ва шу кайфиятда таҳририятни тарк этди.

Бутун таҳририят ходимлари қўлёзма устида "иш" бошлаб юборишди. Таҳририят газета учун айнан шундай қоғозга эҳтиёжманд эди.

Ва газетанинг янги, ўта муҳим сони кам нусхада бўлса-да чоп этилди. Эртасигаёқ ўз ўқувчилари қўлига етиб борди. Хуллас, газета кечикмади.

Елкасидан тоғ ағдарилган муҳаррир қоғоз учун кетадиган пул қийматига назар ташлар экан:

— Ҳозирча ҳаммаси яхши, — деб қўйди. — Аммо келаси сонни яна нимага босиб чиқаришни билишни жуда-жуда истардим.

Муҳаррирнинг елкасига яна шундай юк тушди. У ёзув столига чўкиб, янги муаммони қандай ечиш кераклиги устида бош қотирарди.



**Инглиз тилидан Шаҳноза РАҲМОНОВА таржимаси.**

Уилям ШЕКСПИР

# СОНЕТ

**Мен ҳамиша алданаман севгилимга,**
**Алдайверар ҳақиқатдан яралдим деб.**
**Кўникканман, оғир ботмас бу дилимга,**
**Гарчи ўзим ёлғонларни кўрмайман эп.**
**Навқирон деб ўйлайди у мени ҳамон,**
**Ахир, ортда қолиб кетди у дамларим.**
**О, кўнглимга ботмайдиган бу ёлғоннинг,**
**Билармикан эканлигин умри ярим.**
**Қизиқ, ўзин ҳисобламас ёлғончи деб,**
**Кексаликни тан олмайман мен ҳам асли.**
**Муҳаббатнинг ёлғонлари бир кўрк, бир зеб,**
**Ёш танламас экан дўстлар, севги фасли.**
**Шунинг учун майли ёрим алдайверсин,**
**Хушомади ҳаётимга мазмун берсин.**



**Инглиз тилидан Ҳаётбек ЎСАРОВ таржимаси.**

Марк ТВЕН

# ЎХШАТИШ

Ҳикоя

Бир неча йиллар аввал Нью-Йоркдаги Саламанка шаҳарчасига келдим. Бу ерда мен поездни алмаштиришим ва ухлаб кетиладиган вагонга чиқишим керак эди. Платформа одамлар билан гавжум, уларнинг бари аллақачон лиқ тўлиб бўлган узун вагонга чиқиб олишга уринишарди. Мен чипта сотиладиган кассада ўтирган кишидан: "Ётиб кетиш учун жой ололаманми, йўқми?" деб сўраган эдим, қатъий "Йўқ!" деган жавоб олдим. Нарироқ бориб бошқа бир маҳаллий ходимдан вагондан ҳеч бўлмаганда торгина бир бурчак топиб беришини илтимос қилдим. У эса ғазаб билан гапимни бўлди:

— Иложи йўқ! Ҳамма бурчаклар лиқ тўлган! Энди мени ортиқ безовта қилманг, — У ортига қарамай юриб кетди. Жуда дилим оғриди. Ҳамроҳимга:

— Агар бу одамлар кимлигимни билсалар эди... — дедим.

Бахтга қарши ҳамроҳим ҳам мени эшитишни истамади.

— Бўлмағур гапларни қўй. Бунга кўникишимиз керак, — деди у. — Нима, улар сенинг кимлигингни билишса, ҳеч қандай бўш жойи бўлмаган вагондан бирор бўш ўрин топиб берадилар, деб ўйлайсанми?

Бироқ унинг сўзлари заррача ҳам аҳволимни яхшиламади. Лекин шу пайт вагон кузатувчисининг менга қараб турганини сезиб қолдим. Бирдан унинг юзидаги ифода ўзгарди. Ёнидаги ҳамкасбига мени кўрсатиб нималардир деб шивирлади. Сездимки, улар мен ҳақимда сўзлашмоқдалар. Сўнг кузатувчи очиқ чеҳра билан биз томон юриб кела бошлади.

— Бирон хизматлари борми, сэр? — деди у хушмуомалалик билан. — Бўш ўрин керакми?

— Ҳа, — дедим мен, — топиб беролсангиз беҳад мамнун бўлар эдим. Бошқа ҳеч нарса керак эмас.

— Бизда оилага мўлжалланган купе қолди, холос. Унда икки кишилик ўрин ҳамда бир жуфт юмшоқ ўриндиқ бор. Купе буткул сизнинг ихтиёрингизда, сэр. Том, бу ёққа қараб юбор, мана бу жомадонларни вагонга олиб чиқ.

Биз платформа бўйлаб хуш кайфиятда юриб кетдик. Ҳамроҳимга бир нимани айтишга шайландиму, лекин фикримдан қайтдим. Вагон кузатувчиси купеда бизга қулайликлар яратиб берди, тавозе ва табассум билан деди:

— Бошқа бирон нима истамайдиларми, сэр? Айтганингизни бажо келтирамиз.

— Иссиқ сув келтириб бера оласизми? — сўрадим мен.

— Албатта. Ҳозир келтираман.

— Яхши, кроват устидаги чироқ жуда ҳам юқори илинибди. Бошқа бир ёруғроқ чироқ топиб, бошимга яқинроқ қилиб ўрнатиб берсангиз.... Қулайроқ ўқишим учун...

— Албатта, жаноб. Сиз хоҳлаган чироқ қўшни хонага ўрнатилмоқда. Ҳозир уни олиб келиб, шу ерга ўрнатиб бераман, у бутун кеча ёниқ туради. Яна истаган нарсангизни сўрашингиз мумкин. Бутун йўл давомида нимага эҳтиёж сезсангиз, тортинмай айтаверинг, сэр.

Сўнг у чиқиб кетди. Мен ҳамроҳимга қараб жилмайдим:

— Хўш, энди нима дейсан? Кўрдингми, улар менинг Марк Твен эканимни билишгач муносабатларини ўзгартиришди.

Ҳамроҳим жим эди.

— Сенга шундай хизмат кўрсатилишини хоҳламасмидинг? Тағин чипта нархи бир хил бўлса, — қўшиб қўйдим мен.

Шу пайт йўлакда кулиб турган кузатувчининг чеҳраси кўринди:

— Сэр, мен сизни бир кўришдаёқ таниган эдим.

— Шундайми, бўталоғим? Хўш, ким эканман мен? — сўрадим унга яхшигина чойчақа бераётиб.

— Жаноб Маклеллан — Нью-Йорк мэри! — деди у.



**Инглиз тилидан Мунира НОРОВА таржимаси.**

Мулоҳаза

# АДАБИЁТ ВА КИТОБ ОЛАМИ

Буюк Британиядаги ҳар учинчи бола биронта ҳам китобга эга эмас. Мамлакатнинг миллий саводхонлик фонди саккиз ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўн саккиз минг нафар бола ўртасида сўров ўтказиб, ана шундай хулосага келган.

Улуғ адиб Лев Толстой шундай ёзган эди: "Ҳар куни жаҳоннинг энг донишманд кишилари билан мулоқотда бўлишдан кўра қимматлироқ нима бор?". Табиийки, ёзувчи урғу берган мулоқот воситаси — китоб.

Англашилганидек, гап мутолаа, бадиий асарлар, ижодий савиямиз ва китоб мутолааси ҳақида бормоқда.

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар даврасида ўтирган эдик. Ёнимизга ўн саккиз ёшлар чамасидаги бир йигит келди. Ўзининг шеърларидан ўқиб берди. Шеърларда "қош"га "бош" "тош" каби сўзлар қофияланган. Китобхонларимиз дуч келаётгандек, оддий сатрлар, сўзлар тизмаси, холос. Унинг машқлари бўш, фавқулодда ташбеҳ ва янгилик йўқ. Аммо қалбида шеърга ошнолик умиди бор. Демак, муаммо нимада? У шунчаки, ўқимаган. Орамизда ёши каттароқ бўлган ижодкор унга саволлар берди. Яна ўша — ҳаммамиз эшитган гап... Фақатгина Муҳаммад Юсуфни билар экан.

Муҳаммад Юсуф халқ қалбига кирган, унинг юрагидан жой ололган шоир. Уни билмаган, севмаган ўзбек йўқ, ҳисоби. Бу, албатта, шоирнинг меҳнати, бахти. Ўзбекнинг ҳар бир яхши кунида қўшиқлари жаранглайди, натижада шеърни тушунмаган ҳам, хушламаган ҳам шоир сабаб шеъриятга ихлос қўяди. Бу адабиётимизнинг ҳам бахти, фикримизча. Аммо энг ёмони, "Мен ҳам Муҳаммад Юсуфдек ёза оламан" дегувчилар кўпайиб қолди. Қарабсизки, Ватан, она, севги ҳақидаги минглаб сатр (!) шеърлар яралади, сап-сариқ "шеърлар". Йўқ, ундай эмас, ёш ижодкорларни тарбия қилса, яхши ёзиб кетади, дегимиз келади.

Дарвоқе, ўша йигитдан мумтоз асарларни, Навоий, Бобурни ўқиганмисиз, деб сўрашди устозлар. Ўқимаган экану, лекин ўзи ҳам ғазал ёзипти. Ўқиб берди. "Дур", "дурур" "мен"ини ҳисобга олмаса, арузнинг ҳам бармоқ вазнидан фарқи унчалик кўп эмас экан... Бу "ғазал"ни эшитган ижодкор акамиз унга кўпроқ китоб ўқишни маслаҳат берди.

Аммо бу учрашув сабаб, кўпчилигимизнинг кўнглимиздан Алишер Навоий асарларини янада кўпроқ ўқишимиз керак экан, деган фикр ўтди. Ҳа, шоир айтганидек,

**Навоийнинг Ватан янглиғ қиёси йўқ,**
**Ватан янглиғ сенга ҳар кун керак бўлгай.**

Адабиётимиз янгиланаяпти. Турфа жанрлар кириб келди. "Изм"ларни ўрганишга ҳаракат қила-қила ўзимиз ҳам "изм" яратиб олдик. Ҳозир бировдан шеърингнинг бўғинлари нега ҳар хил, қофияси йўқ, десангиз, балога қоласиз. Ахир, модерн, постмодерн, хокку, борингки, оқ шеърни фарқламайсизми, деб дашном беради. Тортишсангиз, гап кўп. Қисқа қиласиз. Аммо ҳаммамиз ўзимиздан ёшларга, биздан кўра тажрибасизроқ бўлган ижодкорга нисбатан шу тарзда «ён бераверсак» нима бўларкин? Аввал бармоқни ўрган, арузни ўқи, дейиш ўрнига, ўзимизни тушунмасликка олсак, адабиёт карвонсарой бўлиб қолмайдими?

Шеърлари биз одатланган услубдан ўзгачароқ ёш қизнинг машқларини олиб келди, у билан ҳам савол-жавоб қилдик. Унинг ёзганларига бир қарасангиз, устоз Миртемир айтганидек, "оддий қора сўз"дан фарқи йўқ, бир қарасангиз, тушунмайсиз. Тушунмаслигимиз боиси, у модерн услубида ижод қилар экан. Бу услубда ёзиш учун, албатта, кўплаб чет эл адабиётини мутолаа қилган чиқар, ҳеч бўлмаса, модерн адабиёти назариясидан хабардордир, деб ўйладик. Қаёқда дейсиз, сўрасангиз Гунтекиннинг "Чоликуши"си ва Айтматовнинг "Оқ кема"сини ўқиган экан. Бундан ташқари, бир-икки газета-журналларда босилган "янги услуб"даги асарларни ўқипти.

Мақоламиз аввалида британиялик ҳар уч боланинг бирида китоб йўқлиги ҳақида айтгандик. Мамлакатнинг миллий саводхонлик фонди олиб борган текширишларга кўра, шахсий китоби бўлмаган болаларнинг ўқиши, ўзлаштириш қобилияти, нутқи дарсликлардан ташқари, ўзининг шахсий китоби бўлган болаларга нисбатан анча паст экан. Йигирма фоизга яқин ўспиринга ҳеч қачон китоб совға қилинмаган, ўн икки фоизи шу кунгача китоб дўконига кирмаган, етти фоизи эса умуман кутубхонага бормаган экан. Яхши томони, британиялик ота-оналар, катта ёшлилар бу ҳақда жон куйдира бошлабди, ёш авлоднинг ташвишини қилишяпти.

Бу маълумотлар хориж матбуотида берилди. Англиялик ёшларнинг китобдан узоқлашиб кетгани, мутлақо мутолаа қилмай қўйгани ҳақида афсус билан гапирдик. Лекин ёнимиздаги ўспириндан, укамиз, фарзандимиздан нечта китобинг бор, деб сўраяпмизми? Унинг шахсий китоблари борлигига, бадиий асарлар ўқишига, қаерда китоб дўкони борлигини билишига ишончимиз комилми? Айримларимиз фарзандларимизга китобни-ку совға қилмаймиз, бола озиб-ёзиб ўқишга киришганда "бор, фалон ишни қил" дейишдан ўзимизни тийяпмизми? Бизнинг ёшлар орасида ҳам китоб дўконини, бирорта ҳам кутубхонани билмайдиганлари эҳтимол топилар...

Шу каби саволларга жавоб бўладиган, мамлакат бўйлаб ўтказилган китоб байрамлари барча қаторида мени ҳам қувонтирди. Китобнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам кўра ҳозирги даврда янада муҳим эканлигини бутун жамиятимиз англаб, китоб байрами, китоб савдосини кенг миқёсда ташкил этиши маданий ҳаётимизда шубҳасиз, катта воқеадир.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизда янгидан қад ростлаган Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона фаолияти билан танишар экан, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, аввало юксак маданияти, маърифат ва маънавияти, баркамол ёшлари билан кучли эканлиги, бинобарин, ушбу зиё маскани, авваламбор, ёшларимизни юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга, эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши лозимлигини таъкидлаган эди.

Бу сўзлар юртимизда маънавият ва маърифат масаласига қаратилаётган эътиборнинг ёркин ифодасидир. Шукрки, бизнинг ёшларимиз жаҳолат, ваҳима, бузғунчиликни эмас, илм ва зиёнинг, эзгуликнинг қудратини кўриб улғаймоқда.



**Исомиддин ПЎЛАТОВ**

**"Ички дунё" пиесаси ёш қаламкаш Мафтуна Муҳаммадаминованинг илк ижодий изланишларидан намунадир. Пиесанинг қуйидаги газета варианти асарнинг айрим қисмларидан қисқартириб олинди. Унда инсон қалби абадий излайдиган, Юрак ва Ақлнинг мангу курашидан пайдо бўладиган саволларга ўзига хос йўсинда жавоблар айтилади.**

**"Ички дунё" пиесаси Абдулла Қаҳҳор номидаги сатира театрида саҳналаштирилмоқда.**

# ИЧКИ ДУНЁ

**Маъжозий-психологик драма (парча)**

Қатнашувчилар:
Инсон
Ақл
Севги
Ғурур
Меҳр
Соғинч
Нафс
Жаҳл
Хаёл

*Воқеалар бир инсоннинг онги ва қалбида бўлиб ўтади.*

Пролог:
ШОИР — Одам — бир мамлакат,
Унда туйғулар —
Исёнкор оломон
Бебош фуқаро.
Уларни бошқармоқ,
Ёки бош эгмоқ
Ёв-ла курашмоқдай
Мушкул муаммо.
Хатолардан асралиш
Изтиробдан ажралиш
Ҳаловат топар бу дам
Ўзини енгган одам
Туйғу қўлида ҳалак,
Оввора онгу юрак.
Инсон дунёси ҳақда
Дил кўпирган паллада
Сўзлаб берай баллада...

* * *

*Саҳнада Инсон. Туйғулар уни қуршаб олиб, атрофида айлана бошлайди. Секин бошқалари чекиниб, саҳнада Инсон ва Ақл қолади. Уларнинг олдида бир қанча катта-катта, турли рангдаги кубиклар бор.*

**Инсон:** — Ақл, биласанми мен ҳаётдан нима хоҳлайман? Ҳамма мени ҳурмат қилишини, ҳаммани ҳайрон қиладиган ишлар қилишни, кучли бўлишни, чинакам инсон бўлиб яшашни хоҳлайман. Ҳаммасига тезроқ эришсам дейман.

**Ақл:** — Шошилма. Менинг гапларимга қулоқ солсанг ҳаммасига эришасан. Келажагинг ҳақида эса анчадан бери бош қотириб келаман. У менимча, тахминан шундай бўлиши керак: *(кубиклардан бирини столга қўяди)* Сен биринчи галда муайян касбга эга бўлишинг, бунинг учун эса бирор олийгоҳда ўқишинг керак. *(иккинчи кубикни қўяди)* Кейин ўзингга муносиб жойда яхши бир лавозимга эга бўласан. *(учинчисини теради)* Сўнгра шахсий бизнесингни йўлга қўясан. Бу, сенинг учун жудаям муҳим масала. Чунки, одамзот ҳаётда яхши, ўзи истаганидай яшаши учун ўз-ўзига ҳомий бўлиши керак. *(тўртинчи кубикни теради)* Тўртинчидан, сен фаолиятинг давомида ўз маҳоратингни намоён қиласан, эзгу ишлар, намунали ҳамда фойдали меҳнатинг билан халқ эътиборини қозонишинг керак бўлади. *(бешинчи кубикни қўяди)* Ва ниҳоят бирор бир ўзингга муносибини топиб, оила қурасан, фарзандлар орттирасан. Ҳозир ёшинг йигирмада. Буларнинг ҳаммаси амалга ошгунича тахминан ўттиз ёшларда бўласан. Ҳаммаси шу режа асосида кетса, ҳаётинг энг намунавий, ўзинг ҳам рисоладаги инсон бўласан. Кейинги ишларингни омон бўлсак, ўша пайтда режалаштираверамиз. Ҳозирча энг асосийлари шу. Хўш қалай? Сенга маъқулми, бу келажак макети?

*Инсон баланд кубик устун атрофини айланиб қарайди.*

**Инсон:** — Менга маъқул бу режанг.

**Ақл:** — Яхши. Лекин бунга осонликча эришиб бўлмаслигини ҳам унутма. Қаттиқ меҳнат қилиш керак.

**Инсон:** — Менга сен ёрдам берасан.

**Ақл:** — Бўлмасамчи.

*Инсон беихтиёр безовталана бошлайди. Юрагингнинг дукуллаши қулоқларига эшитилади.*

**Инсон:** — Мен тезда келаман.

*Негадир югуриб чиқиб кетади. Ақл ортидан ҳайрон қараб қолади.*

* * *

**Инсон:** — Хатонинг охири нимадир? Афсус.
Нафас олаяпман, сиғмас танамга.
Кўнглимга беркиниб кирган у жосус
Ўзимнинг жосусим, турма панамда.

Ҳар томон йўлимни кесган йўлларим.
Измимни ўзимга бермаган диққат.
Мен сизга қулмидим, менинг қулларим,
Қайси биримизда эди ҳақиқат?

Майдонда мен ўзим улоқман ахир,
Судраб олиб кетса қайси битта куч.
...бир кун келган эди овози соҳир,
Шунда мен келгандим муҳаббатга дуч.

Унга эътиқодлар қўйган чоғимда,
Орми... юлиб кетган унинг қўлидан.
Қасдма-қасд келишни ўргатди менга
Ва хорлик, зорликлар чиқди йўлимдан.

Дўстмисиз, душманми ўзлигим ичра.
Сизга итоатлар этиб бўлдим мен.
Ортиқ адаштирмай ортимдан юринг,
Жазо ҳам, ажр ҳам топиб бўлдим мен.

Энди... энди менга беринг жиловлар,
Шу абгор рутбамга бўлинг хайрихоҳ.
Соғинч кўзларимни очган паллада,
Қўйинг, тўйиб йиғлай, тўйиб чекай оҳ.

Роҳат экан асли — афсус чекмоқ ҳам,
Афсус-ғафлатларда уйғонган сезги.
Келгину ҳолимга хоҳ кул, хоҳ ачин,
Соғиндим, соғиндим, соғиндим Севги!

*Ақл ҳўнграб йиғлайди.*

**Ақл:** — Инсон, ҳаммамиз ишондик муҳаббатингга. Аввал уни бир ҳою ҳавас деб билганим рост. Севгини оёғингга кишан бўлади, деб ўйладим. У билан ўтказган кунларингга ғашим келди. Ошиқона ишларингни совуққонлик билан кузатиб турдим. Мазах қилдим, бир кун ундан безор бўлади деган фикрда бўлдим. Ёлғонларга йўйдим шундай азиз туйғуни. Бир кун яна менга қайтишингни кутдим. Аммо кўриб турибман, юрагинг қайғуга тўлиб кетди. Чин муҳаббатнинг ўткинчисидан фарқи шу. Сен чин ошиқсан. Севгини дилингга қайтар. Тур, Инсон! Чорла уни!

Барча туйғулар (Бир овоздан): Чорла уни!

*Севги оҳиста кириб келади. Инсон у томон боради. Улар бир-бирларидан кўз узмай қолади. Ақл туйғуларга имо қилади. Улар Ақлнинг ортидан тизилишиб секин чекинади. Инсон ва Севги бир-бирига тикилганича қоладилар.*

* * *

**Шоир:** — Севги дилга жойланди,
Ва орзулар жонланди.
Барча ҳислар бир тараф
Бир мақсадга шайланди.
Эзгу бўлди истаклар,
Кучга тўлиб юраклар.
Тинчлик чўккан паллада,
Инсон дунёси ичра,
Кездик. Шундайин қилиб
тамом бўлар баллада.
Қиссанинг ҳиссасини,
Шодлигу ғуссасини,
Топиб олиш сизларга
Рухсат энди бизларга.



**Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА**

# РАҚС — ТУЙҒУЛАР ИФОДАСИ

Шахсий мулоҳаза

**Ўзбек рақс санъати катта ривожланиш даврини босиб ўтган. Академик М.Раҳмоновнинг ёзишича, "Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида ҳайвонлар ниқоби билан рақс тушиш кенг тарқалган эди. Кейинчалик томошанинг шундай турлари анъанавий ўзбек театрининг репертуаридан жой олди". XIV-XV асрлардан бошлаб халқ чолғу асбоблари жўрлигида миллий рақс намуналари ижро этилгани ўша даврлардан қолган турли маданий ёдгорликлар, хусусан, машҳур мусаввирларнинг миниатюраларида ўз ифодасини топган. Демак, ўзбек рақс санъати мустаҳкам пойдеворга таянган ҳолда асрлар давомида ривожланиб келган.**

Мустақиллик йилларида рақс санъатимизда образли ечим алоҳида ўрин эгаллай бошлади. Ҳар бир рақс номери драматургик хусусият касб этаяпти. Ижро этилаётган рақсларда тугун, ривожланиш, кулминация, ечимни кузатиш мумкин, гавдаланаётган образнинг характери, руҳияти, ички кечинмалари, қалб туғёнлари нафис ва жозибадор ифодаланяпти. Юз имо-ишоралари, кўз нигоҳлари, тана, қўл ва ҳатто бармоқлар ҳамда оёқларнинг ҳаракатланиши ўта аниқлик касб этмокда. Шунинг учун ҳозир рақс санъати билан профессионал даражада шуғулланувчи ижрочилардан нафақат юқори даражадаги пластика, мусиқа ритмини ҳис қилиш қобилияти, балки чуқур рақс билимдонлиги, кучли бадиий тафаккур, мантиқий фикрлаш ҳамда образ ярата олиш хусусиятлари ҳам талаб этилади.

Юртимизда ҳам худди Буто услубидаги япон рақс театри, балет ва пантомимо билан боғлиқ Катхакали, "Фантазия" рақс театрлари каби жамоалар вужудга келаяпти. Истиқлол йилларида балетмейстер Юлдуз Исматова бошчилигида "Тановор" рақс театри ташкил этилиб, унда саҳналаштирилган "Темурий маликалар" рақс томошаси катта муваффақият қозонди. Томошадаги театр ва хореография уйғунлиги аниқ воқелик ва кучли образлилик асосига қурилган. Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри қошида "Офарин" рақс театри ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Миллий рақс санъатини тарғиб қилишда оммавий байрам ва томошаларнинг аҳамияти катта. Бинобарин, байрам тантаналари, бошқа йирик тадбирларда Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Уста Олим Комилов, Қундуз Миркаримова, Исаҳор Оқилов, Юлдуз Исматова каби моҳир хореографларнинг миллий рақс анъаналарини амалда қўллаш, уларни ривож топтириш учун кенг имкониятлар вужудга келяпти. Хусусан, Мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишланган тантанада таниқли балетмейстер Қодир Мўминов томонидан саҳналаштирилган "Мустақил диёр" номли хореографик композицияда истиқлолимиз рамзи бўлмиш Ҳумо қушининг озодлик учун кураши пластик ифодаланган. Шунингдек, кўп йиллардан буён ўтказилиб келинаётган оммавий байрам ва томошаларда балетмейстерлар Шокир Аҳмедов, Маъмура Эргашева, Карима Узоқова, Раъно Алимова ва бошқалар томонидан саҳналаштирилган рақс кўринишларида ўзбек халқ урф-одатлари, анъаналари, фолклори ўз ифодасини топаётир.

Рақс санъати ривож топиши баробарида жаҳон миқёсида бу соҳада турли йўналиш ва жанрлар вужудга келяпти. Модерн, хип-хоп, брейк-дэнс ва бошқалар шулар жумласидан. Шунингдек, мусиқа, рақс ва ашула уйғунлиги остида мюзикл вужудга келди. Унда ижрочи ҳам актёрлик маҳоратига эга бўлиши, ҳам рақсга туша олиши, ҳам яхши овоз имкониятларига эга бўлиши лозим. Ирландча оёқ рақслари, жаз-модерн рақси ҳам мюзиклда ифодалана бошланди.

Бу йўналишлар ўзбек рақс санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Афсуски, баъзи ёшлар орасида миллий менталитетимизга хос бўлмаган рақс ҳаракатлари борган сари оммалашмоқда. Глобаллашув жараёнининг бундай салбий таъсирини катта саҳналаримизда ҳам, экран орқали ҳам кузатишимиз мумкин. Ваҳоланки, ўзбек аёлининг шарм-ҳаёси, латофати, назокати ўзбек миллий рақсида мужассам бўлиши лозим. Бу, аввало, рақслардаги хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар билан боғлиқ. Баъзан раққосаларнинг у ёқдан-бу ёққа мақсадсиз югуришлари, таналарининг турли қисмларини хунук тарзда ҳаракатлантиришлари, ўрни бўлса-бўлмаса, кўз сузиб қош қоқишу елка учиришларини кўриб ҳайрон қоласан. Бундай қилиқлар ўзбек миллий рақслари жозибасига путур етказиши турган гап.

Шунингдек, миллий рақсларимизнинг ўзига хослигида, рақс орқали образ яратишда либосларнинг ўрни беқиёс. Агар раққоса пластик ҳаракатларида образнинг характерини очиб бера олсаю либос ушбу образга мос бўлмаса, тўлақонли хореографик композиция юзага келиши қийин. Либоснинг деталлари, бичими, ранги образ эмоционал руҳиятини очиб беради. Айниқса, театрлаштирилган, бой характерли ҳамда сюжетли рақсларда бу муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, кейинги пайтларда баъзи раққосаларда либос танлашда пала-партишлик, рақс руҳидан келиб чиқмаслик, миллийликдан чекиниш ҳоллари учраб турибди. Ҳолбуки, ҳам пластик ечим, ҳам образли ечим, ҳам либос ечимига эга бўлган тўлақонли хореографик композициягина томошабинни оҳанрабодек жалб қилиш қудратига эга.



**Малика ҚУРБОНОВА,**
**Санъат ва маданият институти магистранти**

---

# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР БЕЛЛАШУВИ

Танлов

**Саҳнада "Фарғона рубойиси"нинг мафтункор оҳанглари янграмоқда... Ҳиром айлаётган раққосанинг нафис ҳаракатлари куй бағрига сингиб кетаётгандек. Ҳатто раққоса юзидаги самимий табассум ҳам мусиқа билан ажиб уйғунлик ҳосил қилган. Шундай лаҳзаларда беихтиёр рақс ва мусиқа бири-биридан ажралмас яхлит санъат асари эканини англайсиз.**

Юқорида таъриф берилган мумтоз рақс ижрочиси Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочиларининг республика кўрик-танлови иштирокчиси Паризода Очилова. Ўзбекистон давлат консерваториясига ташриф буюрган мухлислар танловнинг якуний босқичида кўплаб истеъдодли ёшлар маҳоратига баҳо бериш имконига эга бўлишди.

Бугун мамлакатимизда рақс санъатини ривожлантириш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва рағбатлантириш мақсадида танловлар ташкил этиш анъанага айлангани сир эмас. Атоқли санъаткор Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб ўтказиб келинаётган республика кўрик-танлови ҳам ана шундай йирик ижодий беллашувлардан биридир. Зеро, мамлакатимиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикаси бўйлаб бир неча босқичда ўтказилган танлов кўплаб ёш ижодкорларни кашф этишга замин яратмоқда.

Танловнинг бу йилги якуний босқичи ҳам қизиқарли ва ранг-баранг рақсларга бой бўлди. Анъанага кўра, дастлаб иштирокчилар ўз маҳоратларини мумтоз рақслар ижросида кўрсатишди. Албатта, бу борада асосий эътибор ижро техникаси, ҳаракатлар уйғунлиги ва мазмундорлиги каби жиҳатларга қаратилди. Танловнинг иккинчи босқичида раққосалар мустақил ижод намуналарини тақдим этишди. Улар орасида, айниқса, "Ҳаваскор" (Сарвиноз Тўйматова), "Учрашув" (Комила Мирхолиқова), "Озодлик" (Шоҳиста Холматова), "Зармиш булоғи" (Зарнигор Иттифоқова), "Дутор" (Сусана Шарипова) каби рақслар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

— Ушбу танловда иштирок этиш ҳар бир ёш раққосанинг орзуси, — дейди Норин тумани маданият уйи раҳбари Равшаной Юсупова. — Рақсимиз маликаси Мукаррама Турғунбоева ижоди биз учун улкан маҳорат мактаби сифатида қадрлидир. Шу туфайли ҳам мазкур санъат байрами ҳеч бир рақс ихлосмандини бефарқ қолдирмайди. Танловда "Роҳат", "Сурнай лазгиси" каби рақслар билан қатнашдим. Ушбу танловда иштирок этиш учун узоқ вақт тайёргарлик кўрган бўлсам-да, устоз ижодкорлар, соҳа мутахассислари қаршисида рақс ижро этиш ниҳоятда ҳаяжонли бўлди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўрин "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси раққосаси Сеҳриё Мирзаевага насиб этди. Иккинчи ўрин Сирдарё вилояти "Сирдарё наволари" ансамбли аъзоси Дилобар Жумабоева ҳамда "Ўзбекрақс" бирлашмаси раққосаси Дилдора Асроровага берилган бўлса, учинчи ўринга "Тошкент зеболари" ансамбли раққосаси Шоҳиста Исҳоқова, М.Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси қошидаги "Ўзбекистон" ансамбли аъзоси Севара Боймирзаева лойиқ топилди. Тақдирлаш маросимидан сўнг танлов қатнашчилари иштирокида гала-концерт намойиш этилди.

**Дилафруз ЧОРИЕВА,**
**талаба**

---

# КИЧИК СОЗАНДАНИНГ КАТТА ЮТУҚЛАРИ

Истиқлол фарзандлари

**Истеъдод тарбияси оила муҳитидан бошланиб, мактаб ва ўқув юртлари бағрида давом этади. Қайси соҳада бўлмасин, иқтидор эгаси ўз салоҳиятини тўкис намоён этиши, камол топиши бугун мамлакатимизда маънавий эҳтиёжга айланган. Зеро, истеъдодли фарзанд она-юрт равнақига ҳисса қўшиш баробарида уни дунёга танитади ҳам.**

Ёш мусиқачи Искандар Мамадалиев Ўзбекистон шарафини чет элларда муносиб ҳимоя қилиб келаётган шундай фарзандларнинг бири. Аслида болаларнинг истеъдодсизи бўлмайди. Гап фақат уларнинг истеъдодини тўғри йўналтира билишда.

Искандар она томонидан мусиқачилар авлодининг истеъдодли вакили. Онаси Дилафрўз Мамадалиева консерваторияни фортепианино йўналиши бўйича битирган. Ҳозир Успенский номидаги мусиқа академик лицейида дарс беради. Бувиси ҳам фортепиано бўйича мутахассис. Тоғаси Беҳзод Абдураимовни бутун дунё танийди: бу машҳур пианиночи Америкада таҳсил олиш билан бирга, дунё саҳналарида яккахон концертларини намойиш этиб, чет эллик мухлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлмоқда. Шубҳасиз, Беҳзод эришаётган ютуқлар Искандарни янги-янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

— Менинг илк устозларим онам ва тоғам, — дейди Искандар. — Боликдан уларнинг пианинода ижро этган гўзал куйларини эшитиб катта бўлганман. Оиламизда бир шиор бор: созанда биринчи навбатда куй тинглашни ўрганиши керак. Бу борада устозим, кўп таниқли созандаларни жаҳон саҳналари сари йўллаган Тамара Поповичнинг ҳам талаби бор эди. Бирор куйни тинглаганимдан сўнг, албатта, фикримни сўрарди. Ҳозир ҳам бунга амал қиламан.

Искандар ва у каби иқтидор эгаларининг бахти шундаки, улар истеъдодларга барча имконият эшиклари кенг очилган, ўз иқтидорларини намоён этишлари учун шарт-шароитлар муҳайё қилинган юртда вояга етмоқдалар. Ёш мусиқачи И.Мамадалиев таълим олаётган Успенский номидаги академик лицейда ҳам ўқувчиларга санъат сир-асрорлари билан бирга умумтаълим фанлари ҳам чуқур ўргатилади. Бу даргоҳда болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун шароитлар етарли. Устозлари кўмагида ёш мусиқачилар ўзбек композиторлари асарлари билан бирга Бах, Бетховен, Моцарт, Чайковский, Шопен каби ижодкорларнинг жаҳон дурдоналарига айланган асарларини маҳорат билан ижро этишмоқда. Уларнинг малака ва маҳоратлари ошишида ўтказилган кўрик-танловлар ва фестиваллар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Искандар катта саҳнага илк бор етти ёшида чиққан. Ўшанда консерватория саҳнасида таниқли композитор Ойдин Абдуллаеванинг "Шодиёна" асарини симфоник оркестр ижросида чалиб мухлислар олқишига сазовор бўлган. Шундан сўнг "Туркистон" камер оркестри, Ўзбекистон Республикаси симфоник оркестри жўрлигида В.Моцарт, Й.Гайдн, Ф.Шопен асарларини ижро этди. Пойтахтимиздаги Анжуманлар саройида Конституция байрамига бағишланган концертда Искандар ижросида янграган Ф.Шопеннинг "Фантазия-экспромт" асари йиғилганларнинг гулдурос олқишларига сазовор бўлди.

Искандар Мамадалиев жаҳон саҳнасидаги илк муваффақиятни 2011 йили қўлга киритди. Италиянинг Барлетта шаҳрида ўтган "Citta di Barletta" номли ёш мусиқачилар халқаро танловида Гран-прини қўлга киритиб, мутлақ ғолиб, дея эътироф этилди. Бундан ташқари, "Европа мусиқасининг энг яхши ижрочиси" ҳамда "Томошабинлар олқишини олган ижрочи" номинациялари ғолиби бўлди.

2012 йили Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган "Piano-Talents" II халқаро танловидаги муваффақият Искандарга катта шуҳрат келтирди. "Бу танлов бошқаларидан ниҳоятда кучли қатнашчилар таркиби билан фарқ қиларди, — дейди Искандар. — Ўзига ишонган, истеъдодли созандалар кўп эди. Тўғриси, саҳнага чиққунимча жуда ҳаяжонландим. Лекин пианино олдига ўтиргач, менга ишонч билан қараб турган устозларим, қўллаб-қувватлаётган дўстларим, оилам, она-юртимни кўз олдимга келтириб, бор маҳоратимни ишга солдим".

Бу сафар ҳам ишончни оқлади. Танловнинг олий соврини — Гран-прини қўлга киритган ўзбек пианиночиси ижросига ҳайъат раиси Винчензо Балзани юқори баҳо берди: "Катта истеъдод эгаси бўлган ўзбек созандасининг тайёргарлиги аъло даражада. Барча қатнашчиларда унинг ижроси яхши таассурот қолдирди. Унинг қатъий ижро услуби ва саҳнада ўзини муносиб тутишини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳали ёш бўлишига қарамай, Искандар юксак ижро техникасини, ўзи ижро этаётган мусиқий асарни чуқур тушунишини намоён этди. Бу ёш истеъдод ажойиб мактаб кўргани ва устозлари у билан ниҳоятда жиддий шуғулланганлари билиниб турибди". Халқаро миқёсдаги бундай эътироф, шубҳасиз, ўзбек мусиқа ижрочилиги юксак мақомига эришаётганидан далолатдир. И.Мамадалиевнинг шу йил май ойидаги яна бир катта ютуғи бу эътирофнинг бежиз эмаслигини исботлади. Италиянинг Перужа ва Барласина шаҳарларида ўтган танловларда қаҳрамонимиз бир йўла иккита Гран-прини қўлга киритди.

Муҳими, Искандар фақат мусиқа билан чекланиб қолаётгани йўқ. Унинг қизиқишлари доираси ниҳоятда кенг. Масалан, табиат манзаралари ва ҳайвонот оламини, айниқса, отларнинг турли ҳолат ва кўринишдаги суратларини чизиш Искандарга завқ бағишлайди. Биз ундан суратларни қандай ишлашини сўраганимизда, асосан матога мойбўёқ билан чизишини айтди. Ёш мусиқачи, шунингдек, китоб ўқишни, хусусан, фантастик асарларни мутолаа қилишни ёқтиради. "Ўқиган китобларим ичида, айниқса, "Сўна", "Бошсиз чавандоз", "Гарри Потер" каби асарлар менда катта таассурот қолдирди, — дейди Искандар. — Таътил вақтида Виктор Гюгонинг "Кулаётган одам" ва Александр Дюманинг "Граф Монте Кристо" асарларини ўқимоқчиман. Китобга қизиқишим отамдан ўтган. Ўзлари математик бўлишига қарамай, бадиий адабиётни яхши кўрадилар. Бундан ташқари, сузишга жуда қизиқаман. Учинчи разрядим бор".

Хуллас, И.Мамадалиевнинг бу йилги ёзги таътили ҳам қизиқарли, ҳам тиғиз ўтиши кутилмоқда. Чунки олдинда чет элда ўтадиган маҳорат дарсларига, кўрик-танловларга тайёргарлик ҳам турибди.

Дарвоқе, юқорида айтганимиз Миланда бўлиб ўтган танловнинг эътиборга лойиқ яна бир жиҳати шундаки, мазкур тадбирда Искандардан ташқари фортепианода Азиза Ботирова ва лицей қошида ташкил этилган "Мерос" фолклор гуруҳи қатнашди. Ўзбекистонлик иштирокчиларнинг мусиқа, фолклор, анъанавий хонандалик йўналишидаги ижро маҳоратлари юқори баҳоланди. Улар италиялик машҳур санъаткорларнинг маҳорат дарсларида ҳам қатнашдилар. Юртимизнинг ёш истеъдодлари мазкур танловда умумий ҳисобда ўн учта Гран-прини қўлга киритдилар.

Шунинг ўзиёқ ўзбек мусиқа ижрочилиги истиқболи ишончли қўлларда эканидан далолат бериб турибди. Зеро, Искандар айтганидек, Истеъдодли ёшлар халқаро танловларда Юртбошимизнинг, халқимизнинг меҳрини ҳис қилиб турадилар". Мустақиллик уларга бераётган кенг имкониятларни жаҳон узра намоён этаётганлари билан фахрланадилар.



**Гулчеҳра УМАРОВА**

---

# ИЖОДИЙ САФАРЛАР

Театр ва замон

Мамлакатимиз театрлари миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун белгиланган режа асосида республикамиз бўйлаб навбатдаги ижодий сафарларни бошлаб юбордилар.

Пойтахтимиздаги гастролларни Бердақ номидаги Қорақалпоғистон мусиқий театри бошлаб берди. Ўзбек миллий академик драма театридаги томошаларга жамоа учта асарни тақдим этди. Драматург Пўлат Айтмуратовнинг "Интилганга толе ёр" номли замонавий драмасини таниқли режиссёр Нажмиддин Ансатбаев саҳналаштирган. Замонавий мавзудаги "Келин" комедияси Қорақалпоғистон халқ шоири, драматург Кенесбай Раҳмонов қаламига мансуб. Уни театрнинг бош режиссёри Жалгасбой Султабаев саҳнага олиб чиққан. Таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Нажим Довқараев "Алпомиш" достони асосида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи асар яратган. Спектакл режиссёри — Н.Ансатбоев.

Гастрол давомида намойиш этилган мазкур спектакллар пойтахт томошабинларида катта таассурот қолдирди.

Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театри пойтахтимизда ижодий сафарда бўлиб, Ўзбек миллий академик драма театрида "Ширин найранг" (Н.Ҳошимов) спектаклини намойиш этди.

Пойтахт театрларининг гастроллари ҳам вилоятларда муваффақиятли ўтмоқда. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри жамоаси Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари аҳолисига "Оққуш кўли", "Дон Кихот", "Чипполино" каби балет спектаклларини намойиш этиб, корхона ва ташкилотларда ижодий учрашувлар ўтказди.

Миллий академик драма театрининг бир гуруҳ ижодкорлари — Ёқуб Аҳмедов, Яйра Абдуллаева, Тўти Юсупова, Ёдгор Саъдиев, Маҳмуд Исмоилов, Шоҳида Исмоилова, Дилноза Кубаева ва бошқалар Қашқадарёда ижодий сафарда бўлиб, вилоят шаҳар ва туманларида томошабинлар билан суҳбатлар уюштирдилар.

Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ижодий сафарда бўлиб, оперетта шинавандаларини хушнуд этди. Республика сатира театри Қорақалпоғистон, Хоразм, Самарқанд Сурхондарё вилоятларида "Насриддиннинг ёшлиги" спектакли ва махсус дастурларни томошабинларга намойиш этишди.

Республика қўғирчоқ театри Қашқадарё Навоий вилоятларида, Ёш томошабинлар театри Навоий, Бухоро, Самарқанд, Наманган вилоятларида ижодий сафарларда бўлиб, болажонларни турли мавзудаги асарлари билан хушнуд этишди.

Сурхондарё театри Қашқадарё вилояти аҳолисига "Уч кунлик дунё" (Н.Қодиров), "Илондара" (Н.Пардаев), "Ташна қалб" (Э.Норсафар), Сирдарё театри Жиззах вилоятида "Инсон ўзинг" (Н.Аббосхон), Қорақалпоғистон қўғирчоқ театри "Келинг, дўст бўлайлик" (Ш.Алламберганов) спектаклларини намойиш этди.

Бундай ижодий сафарлар ва учрашувлар мухлисларга завқ-шавқ улашган бўлса, театр ижодкорлари турфа инсонлар ҳаёти, характерини яқиндан ўрганиб, маънавий-маърифий тарғибот ишларига ўз улушларини қўшишди.

**Ўз ахборотимиз.**

---

# ТАЛАБА-ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Тадбир

Санъат соҳасида таълим олаётган ёшлар малакасини ошириш, уларнинг мустақил ижоди учун имконият яратишга бугун ҳар қачонгидан кўра катта эътибор берилмоқда. Бу борада, айниқса, ёшлар маҳоратини юзага чиқарувчи фестивалларни ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилаётган талаба-ёшлар ижодиёти фестивали ҳам ўзига хос маҳорат майдонига айланди.

Фестивал доирасида намойиш этилаётган институт талабалари саҳналаштирган спектакллар орасида "Халима" (Ғулом Зафарий), "Нодира" (Туроб Тўла), "Ойдинда юрган одамлар" (Тоғай Мурод), "Тикансиз типратиканлар" (Шароф Бошбеков), "Огоҳ бўлинг, одамлар" (Усмон Азим), "Уйланиш" (Николай Гогол), "Халоскор" (Мак Келлий) каби ўзбек ва жаҳон драматургларининг асарлари бор. Шунингдек, "Парвоз", "Жўшқин ёшлик наволари", "Чолғу ижрочилиги" каби концерт дастурлари ҳамда "Ибратли сўз сарчашмалари" номли бадиий сўз ижрочилигига бағишланган тадбирлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Талаба-ёшлар ижодиёти фестивали билан бир вақтда "Очиқ эшиклар" ҳафталигининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Азизов сўзга чиқиб, мамлакатимизда ижодкор ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида сўз юритди. Шу ўринда айтиш лозимки, "Очиқ эшиклар" ҳафталиги фестивалга ўзгача мазмун бағишлади. Унда институт факултетларининг амалий кўргазмалари намойиш этилиб, абитуриент ва соҳага қизиқувчи ёшлар институт ҳаёти билан яқиндан танишиш, бу ерда сабоқ бераётган Олимжон Салимов, Маҳкам Мухамедов, Мунаввара Абдуллаева, Марям Ашурова, Саодат Йўлдошева, Оролмирзо Сафаров каби таниқли ижодкорлар билан суҳбатлашиш имконига эга бўлдилар.

— Талаба-ёшлар фестивалининг ташкил этилиши нафақат институтимиз, балки миллий саҳна санъатимиз ҳаётида ҳам муҳим воқеа бўлди, — дейди саҳна нутқи мутахассиси Гўзал Ҳолиқулова. — Зеро, мана шундай тадбирлар давомида ёшларнинг чинакам истеъдоди намоён бўлади. Буни яқиндагина Хоразмда ўтказилган "Талабалар баҳори — 2013" фестивали совриндорларидан бирига айланган талабамиз Юлдуз Рашидова мисолида ҳам кўриш мумкин. "Очиқ эшиклар" ҳафталигини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад санъат соҳасига қизиқувчи коллеж ва лицей ўқувчиларини бевосита ижодий жараёнга жалб этишдан иборат.

Фестивални бошлаб берган Насрулло Қобиловнинг "Тўда" спектакли мусиқали театр актёрлиги бўлими битирувчилари томонидан тақдим этилди. Ушбу спектакл гиёҳвандлик гирдобига тортилган ёшлар ҳаётига бағишланган бўлиб, заҳарли оғу таъсиридан қутилишга уринган Самандарнинг тақдири акс этган. Драматург ғоясига кўра спектаклда муҳаббат ва эзгулик ҳар қандай нафс чангалини парчалаб ташлашга қодир буюк куч экани таъкидланади. Баҳрулла Лутфуллаев мусиқаси билан янграган оркестр садолари ҳам спектакл мазмундорлигини оширишга хизмат қилган.

Шу кунларда талаба-ёшларнинг фестивал доирасида ижодий чиқишлари Ёш томошабинлар, Ўзбек миллий академик драма театрлари ва "Дийдор" студияси саҳналарида ҳам кўрсатилмоқда. Иштирокчилар учун йигирмага яқин номинациялар бўйича мукофот ва совринлар ажратилган. Умид қиламизки, бундай тадбирлар интилувчан ижодкор ёшлар саъй-ҳаракатига қанот бағишлаб, уларнинг маҳорат чўққиларини забт этиши учун замин яратади.

**Азиз МАТЁҚУБОВ**

**Хорижга бориб келган ҳамкасбларимиздан бири сафар таассуротларини сўзлар экан, “Бир жомадон китоб олиб келдим, ҳар биттаси тиллага тенг”, деган эди, даврадошлар “Китоб ўзимизда ҳам тўлиб ётибди-ку”, дея ҳайрон бўлишди, ёш олим йигит эса “Шунча тилла бир кишига кўплик қилади, биз ҳам ўқийлик”, деди. Шу гап баҳона суҳбатимиз китоб мавзусига кўчди.**

# КИТОБ ВА КОМИЛЛИК



Китоб байрамида.
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Нодир қўлёзмалар, хаттотлар томонидан маҳорат билан кўчирилган бор-йўғи бир-икки нусха китобларнинг ғаройиб саргузаштлари тўғрисида жуда кўп ёзилган. Дунё жаҳолатга юз тутган пайтларда қанчадан-қанча китоблар ўтга ёқилган, сувга отилган, ерга, қабрларга кўмилган. Шунга қарамай одамлар инсоният тарихидаги бу буюк ихтиродан асло воз кечишмаган. Бешафқат саҳроларда ойлаб йўл босадиган туялар карвонида қимматбаҳо матолар, заргарлик буюмлари билан бирга саҳифаларида олам-олам илм акс этган китоблар ҳам бўлган. Китоб тенгсиз совға сифатида қадрланган.

Истиқлол китоб ва китобхонлик йўлларини ҳам ёритиб юборди. Хас-хашак, шох-шабба тўпланиб, суви димланиб қолган анҳор тозалангандай, ҳавоси оғирлашиб кетган хона деразалари очиб юборилгандай бўлди. Буни китобга, маънавий мутолаага қайтиш деса бўлади. Қайтиш бўлганда ҳам улуғ, мўътабар қайтиш. Китоблар оқими шундай шиддат олдики, энди биз уларни танлаб, чертиб-чертиб, фарқлаб-фаҳмлаб, маънавий эҳтиёж чанқоғини, тафаккур ташналигини қондириб, фикримизни тиниқлаштириб, маъноларини хотирамизга нақшлаб ўқимоқдамиз, совға-саломга қўшмоқдамиз. Улуғ аждодларнинг нодир асарлари тўёна мақомига кўтарилди. Китоблар маънавий ҳамроҳимиз, дўст-қадрдонимиз, донишманд маслаҳатгўйимиз бўлиб қолди. Китоб байрамлари, янги нашрларнинг тақдимотлари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, шеърият ихлосмандлари даврасидаги ҳаяжонли мулоқотлар маданий ҳаётимиздан мустаҳкам жой олди. Бунга бундан бир ҳафта олдин шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб ўтган китобхонлик байрами мисол бўла олади.

Пойтахтимиздаги “Шарқ зиёкори” китоб дўконига кирган киши матбаачиларимизнинг заҳматли меҳнатларига тасаннолар айтади. Бу ерга ёшлар нашриётларимизда чоп этилган янги китобларни харид қилиш, тезроқ ўқиш учун келмоқдалар. Йигирма йил аввалги тенгдошлари халқ эртаклари, саргузашт китобларни ўқишган бўлишса, бугунги ёшлар ижтимоий-сиёсий, тарих, қадимшунослик, фалсафа, этнография, санъат, маданий мерос каби мураккаб мавзуларга қизиқишаётир.

Китобхонлик байрами Наманган шаҳрида ўзгача шукуҳ билан ўтди. Шаҳар жамоатчилиги иштирокида кенг кўламли ободончилик ишлари амалга оширилган, шаҳарнинг латиф ва файзли масканларидан бирига айланган Бобораҳим Машраб номидаги боғда байрамнинг тантанали очилиши анъанавий машрабхонлик тадбирларига уланиб кетди. Вилоят театри санъаткорлари ижросидаги адабий-бадиий композиция йиғилганлар кўз ўнгида жаҳонгашта, ҳақгўй, юзида оташин муҳаббат алангаси уфуриб турган, қаерга борса жабр-зулмдан эзилган ҳақсиз-ҳуқуқсиз халқни кўрган Машраб сиймосини йиғилганлар кўз ўнгида гавдалантирди. Пойтахт нашриётларида, хусусан, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида, “Янги аср авлоди” ва бошқа пешқадам матбаа корхоналарида чоп этилган китоблар кўргазмаси, хусусий тадбиркорларнинг матбаа соҳасида эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар ихлосмандлар билан гавжум бўлди.

Қадимшунос, адабиётшунос олимлар Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида анча салмоқли ишларни амалга оширмоқдалар. Бу йилги байрам арафасида Наманганда “Машрабнинг Нуротага сафари қиссаси” номли мўъжазгина китобча чоп этилди. Машрабшуносликда янгилик бўлган ушбу китобчани матншунос олим, шарқ тиллари билимдони Аҳмад Убайдуллоҳ нашрга тайёрлаган. Олим ўзи ташкил этган “Мерос” жамғармаси фаолиятини йўлга қўйиб, Бобораҳим Машраб, Саййид Собитхон тўра Намангоний, Фазлий Намангоний, номлари илмий-адабий жамоатчиликка энди-энди таниш бўлаётган бошқа бир қатор олим ва шоирлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиб, мақола ва китоб ҳолида чоп этиб келади, илмий матншунослик ва табдил билан шуғулланади.

Наманган шаҳар санъат коллежи ўз фаолиятини бошлаганидан буён ушбу даргоҳдан кўплаб таниқли санъаткорлар, маданият фидойилари, истеъдодли мусиқашунослар етишиб чиқди. Истиқлол йилларида бу илм даргоҳининг моддий базаси мустаҳкамланди, жонкуяр устоз Нортожи Юсупова раҳбарлигидаги педагогик жамоа миллий қўшиқчилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу билим юртида ўтказилган “Назм ва наво” кечасида коллеж талабалари Машраб ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этишди. Таниқли шоирлар Абдусаид Кўчимов ва Муҳаммад Исмоил ёшларга ўзларининг янги китобларини ҳадя этишди.

## Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Наманган Давлат университетида вилоят ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган илмий анжуман Машраб таваллудининг 373 йиллигига бағишланди. Университетнинг хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси М. Тожихўжаевнинг Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижий мамлакатларда ўрганилиши мавзусидаги маърузаси анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Китобхонлик байрами ўқув юртларида, вилоят ахборот-кутубхона марказида, маданият муассасалари, истироҳат боғларида давом этди. Адабиёт мухлислари кўплаб ижодкорларнинг янги асарларини қониқиш билан ўқиётганларини ҳаяжон билан сўзладилар. Миллий драматургия, бадиий публицистика соҳасида, жаҳон адабиёти дурдоналарини аслиятдан ўзбек тилига ўгиришда ижобий ўзгаришлар сезила бошлагани бир овоздан эътироф этилди. “Шарқ”чилар чоп этган икки жилдли “Умрбоқий қўшиқлар” санъат ихлосмандларининг ноёб мулкига айланиб улгурди. Нашриёт бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов қўшиқлар жамламасининг яна икки жилди устида қизғин иш бораётганини айтди. Давра суҳбатларида танқидчилигимизнинг сустлиги, келишувчанлиги, бадиий жиҳатдан ночор, мағзи пуч, кўчирма, ясама, улама “асар”ларга бепарволигимиз, баъзи ҳолларда бундай китобларнинг урчиб бораётганига ўзимиз ҳам сабабчи бўлаётганимиз, анчадан бери китобтўқирликни касб қилиб олган баъзи уддабуронларнинг пўстаги дурустроқ, таъсирлироқ қоқилмаётгани ҳам рўй-рост айтиб ўтилди.

Маънавий ҳаётимизда китобнинг ўрни нақадар юксаклигига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бундан бир ой аввал бўлиб ўтган “Асрлар садоси” халқаро маданият фестивалида мамлакатимиз ҳудудларида жойлашган тарихий обидалардаги ноёб битикларни ўрганишга бағишланган олти жилд китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Ноширлар бундай китоблар сони ўттиздан ошиши мумкинлигини айтишмоқда. Ўтган ҳафта “Дўрмон” ижод боғида ёш ижодкорларнинг анъанавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикасидан, вилоятларимиздан келган ёш драматург, публицист ва таржимонлар тўрт кун давомида устозларидан адабий сабоқ олдилар. Семинар якунида уларнинг ҳар бирига бир қучоқдан ноёб китоблар совға қилинди. Ёшлар “Дўрмон” боғидан маънавий хазина топгандай бўлишди.

Китоб ҳақида ўйлаганингда фикрлар қуюлиб келаверади. Алқисса, китоб бор экан, тараққиёт асло сусаймайди, инсон комилликдан узоқлашмайди. Юраги китоб ишқи билан банд боладан асло ёмонлик чиқмайди. Чинакам китобхонни янглиштириш қийин. Фақат бир муаммо мавжуд, у ҳам бўлса — бадиий савияни ушлаб туриш. Бу қийин, аммо Мирзо Улуғбек кутубхонасидаги китобларни мутаассиблардан асрай олган улуғ алломанинг садоқатли шогирди Али Қушчи зиммасига юкланган вазифадан кўра енгилроқдир.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**



## Дунё — кенг...

# «ТОНГ ЮЛДУЗИ» нега саҳрога айланган?

Олимлар Ерга «қўшни» бўлган «Тонг юлдузи»нинг қай тарзда сувсиз шўр саҳрога айланиши сабабини аниқлашди. Зуҳро сайёрасининг шаклланиш жараёнидаги шароитлар Ерникига нисбатан ўхшаш бўлса-да, ўзининг ташқи кўриниши билан кескин фарқланади ҳам. Яъни «Тонг юлдузи» атмосфераси 462 даражагача қизиб кетади. Унда сув йўқ, атмосфера эса карбонат ангидрид гази ва олтингугурт кислотасидан иборат. Ҳозирча олимлар Зуҳро юлдузининг қай тарзда бундай улкан иссиқхонага айлангани хусусида ягона тўхтамга келишмаган. Ҳолбуки, Ер билан Қуёш орасидаги масофа 149,6 миллион километр бўлса, Зуҳро билан Қуёш ораси — 108 миллион километрни ташкил этади. Яъни «Тонг юлдузи» биздан кўра осмон ёриткичига яқинроқ жойлашган. Бундай фарқ Ернинг бизга қўшни сайёрадан кўра тезроқ совуши учун тўла етарли эди. Нега бундай бўлмагани сабабини Токио университетининг Кейко Хамано раҳбарлигидаги сайёрашунослари аниқлашди. Улар Зуҳро ва Ерда юз берган бир-биридан тамоман фарқланувчи трансформация жараёнлари моҳиятини англаш учун компьютерда моделлаштириш тадқиқотини амалга оширдилар. Бунда янгидан ҳосил бўлган сайёраларнинг ўз ёриткичидан турли миқдорда иссиқлик олганига эътибор қаратилди. Маълум бўлишича, Ер ва Зуҳронинг Қуёшдан турли миқдорда иссиқлик олгани уларнинг совуш жараёнларига кескин таъсир кўрсатган. Яъни Ерга нисбатан Зуҳро сайёрасининг Қуёшдан олган «ортиқча» энергияси қизиб ётган, сув буғлари билан тўлиб-тошган мазкур сайёра сатҳидаги иссиқликнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаган. Шунинг учун ҳам Зуҳро сайёраси атмосферасидаги буғнинг муайян қисми фазога учиб ёйилиб кетмагунга қадар, унинг юзаси совумасдан қизиб бораверган. Натижада Зуҳро Ерга қараганда ўнлаб миллион йиллардан ортиқ даврда совуган, унинг юзасидаги юксак ҳарорат сувнинг конденсацияланишига тўсқинлик қилган. Шу боисдан Зуҳро сатҳидаги қадимги уммонлар Ердагига қараганда бирмунча кичикдир. Улар “парникли эффект” ҳодисаси тез рўй беришига халақит қила олмаган.

— Демак, ҳаётнинг шаклланиши учун сайёра билан унинг мавжудлигини таъминловчи асосий ёриткич орасидаги масофа бош омил ҳисобланса-да, бироқ у ягона омил эмас, — деб таъкидлайди Кейко Хамано. — Сайёра юзасидаги ҳарорат ва сувнинг суюқ ҳолда сақланиши учун зарур шароит, айни чоғда, тектоник фаоллик ва сайёрани зарарли фазовий нурланишлардан муҳофазаловчи магнит майдони мавжудлиги ҳам жуда муҳим экан.

## Марсдаги калтакесак

Ҳозир «қизил сайёра» экваторидаги Гейла кратери атрофида одимлаётган роботлар юбораётган ва NASA расмий сайтларига жойлаштирилаётган суратлар япониялик олимлар томонидан ҳам синчиклаб ўрганилмоқда. Шу муносабат билан япон сайтларида «Марсдаги калтакесак» сарлавҳали хабар тарқатилди. Ҳақиқатан ҳам, тошқотган калтакесак расми Ердаги жониворларга ўхшайди. Суратда калтакесак панжалари ва боши, думи яхши фарқланиб турибди. Барча аъзолари ва ҳатто қорамтир яшил туси ҳам уни айнан калтакесак дейишга асос беради. Аслида бу марслик жонивор бошқа махлуқот бўлиши ҳам мумкин. Ҳамма нарсага ишончсизлик билан қарайдиганлар эса, NASA сайтидаги «суратнинг оригиналида калтакесакка ўхшаб кетадиган тошдан бошқа ҳеч вақо йўқ, японларнинг ўзи суратни калтакесакка ўхшатиб бўяган», дейишмоқда. Бундан ташқари, яна иккита тахмин ҳам илгари сурилмоқда: уларнинг бирида калтакесак Марснинг ўзиники, бу ерда ҳаёт бор, деб таъкидланса, иккинчисида «қизил сайёра»да ҳаёт учун шароит мавжудлигини исботлаш учун у Ердан роботлар билан бирга олиб чиқилган дейилмоқда.

Марс сайёраси юзасини тадқиқ этаётган *Curiosity* аппарати «қизил сайёра» атмосфераси таркибида углерод ва аргон газининг оғир изотоплари миқдори юқори эканлигини аниқлади. Бу Марс атмосферасининг ёйилиш жараёни, биринчи навбатда, унинг юқори қатламларида юз берганини билдиради.

## Наска саҳроси сири

Япониялик олимлар Перудаги саҳрода тадқиқот олиб бориб, янги тасвирларни аниқлашга муваффақ бўлишди. Космосдан олинган Жанубий Америка қитъасига доир суратларни ўрганишаётиб, шу чоққача фанга маълум бўлмаган геоглифларга назари тушган Ямагата университети олимлари ҳайратда қолишди.

— Бундай геоглифлар иккита, — дейди тадқиқот ишлари раҳбари профессор Масато Сакаи. — Улар тузилишига кўра, катта юзли одамлар қиёфасига ўхшайди. Бу шаклларнинг фавқулоддалиги шундаки, шу чоққача одам қиёфасига ўхшайдиган геоглифлар Наска ясситоғида учрамаган эди.

Ҳозирга қадар Перудаги мазкур саҳрода 700 га яқин геометрик шакллар топилган бўлиб, улар асосан учбурчак ва трапеция тарзидадир. Тахминан юзта спиралсимон шакллар ҳам учрайди. Ўттиздан сал ортиқ ҳайвонлар, қушлар, балиқлар, қурт-қумурсқа, ўргимчаклар шакли ҳам мавжуд. Энди эса, кутилмаганда одам шакли тасвирлари ҳам топилди. Шундай шакллардан бирининг ёнида шар ёки коптокка ўхшаб кетадиган нарса ҳам бор. Ўнг томондаги шаклнинг бош қисмидан ҳар тарафга гўёки нурга ёки антеннага ўхшайдиган нимадир таралиб турибди. Бошнинг ўзи эса танадан алоҳида жойлашган. Унинг бир қўлида эса гўё чақмоқ чақаётибди.

Тадқиқотчиларни ҳайратлантирган нарса шундаки, янги топилган шаклларнинг узунлиги аввалгиларидан анча кичик, яъни 14 ва 12 метрни ташкил этади. Агар таққослайдиган бўлсангиз: Америкада яшайдиган машҳур колибри рангдор қушининг узунлиги 50 метр, ўргимчакники — 46, ўлимтикхўр йиртқич кондор қуши — 120, калтакесак эса 188 метр ҳажмда тасвирланган эди. Наска ясситоғида турли шаклларни бундай нисбатда “тасвирлаганлар” бу билан нима демоқчи?

— Биз топган мазкур шакллар, эҳтимол, одамга ўхшаб кетадиган ягона тасвирлардир, — дейди профессор Сакаи. — 2011 йилнинг январида биз ясситоғнинг жанубий қисмида юз, кўз, оғиз ва қулоқлардан иборат одам портретга ўхшайдиган геоглифни топган эдик. Тасвирнинг узунлиги 4 ва эни 3 метр. У анча ювилиб кетган. Эҳтимол, бу шакл қандайдир сабабга кўра, охирига етказилмагани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Фақат юз шаклининг ўзи тасвирлангани сабаби ҳам сирли.

Перудаги тасвирлар 1927 йили самолёт учиб ўтганда тасодифан топилган. Бу фавқулодда тасвирлар эрамизнинг биринчи минг йиллиги ўрталарига доир бўлиб, Перу ҳиндуларининг маҳаллий наска қабиласига мансуб, деган қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ уларнинг мазмуни ҳақида ҳозирга қадар ягона тўхтамга келинмаган. Кимдир уни улкан расадхона деса, яна кимдир қадимда Ерга келиб кетишган ўзга сайёраликлар космодроми, жумбоқли шакллар эса, махсус белгилардир, деган тахминни илгари суради.

***Интернет хабарларидан.***


# ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Осиё “Достончилик санъати” қўмитаси Марказий Осиё ва Корея давлатларининг эртак, афсона, миф ва эпослари асосида сценарийлар халқаро танловини эълон қилади.**

(Танлов шартлари тўлиқ ҳолда www.asiastoryoad. com www.mcs.uz. ҳамда www.nmm.uz сайтларида берилган.)

**Танловнинг асосий шартлари:**

1.Танловда ёши, жинси, миллатидан қатъи назар барча қизиқувчилар қатнашиши мумкин.

2.Танловга тақдим этиладиган мақолалар корейс, инглиз ёки рус тилларида берилиши шарт.

3.Танловнинг жанрлари:
— анимацион филм;
— телесериал;
— мюзикл;
— спектакл;
— бадиий филм.

4.Танловга тақдим этилган ишларнинг шакли ва ҳажми 50 бетдан ошмаслиги шарт:

| Тури | Ҳажми | Мезонлари | Формати |
|---|---|---|---|
| Муаллиф ғояси | 2 бетдан ошмаслиги керак. | Асарда Осиё қадриятлари ифодаланган бўлиши, Осиё давлатларининг бирдамлик ғоялари ҳисобга олинган бўлиши лозим. | Ms Word, Times New Roman 12 ҳарфларда, қаторлар ораси − 1,0 бўлиши керак. |
| Синопсис (асарнинг қисқача баёни) | 6 бетдан ошмаслиги керак. | Асар янги ва ўзига хос, аввал нашр этилмаган, мукофотланмаган, шунингдек, тингловчиларни қизиқтира олиши зарур. | |
| Асар қаҳрамонларининг феълини ифодаш | 2 бетдан ошмаслиги керак. | Асар қаҳрамонларининг феъл-атвори ва характер хусусиятлари аниқ ифодаланган бўлиши керак. | |
| Сценарий | 40 бетдан ошмаслиги керак. | Драматургик композиция, унинг тузилиши яхлит ва тўлиқ бўлиши шарт. | |


# “МЕҲРИДАРЁ МУАЛЛИМ”



Таниқли чехиялик педагог, “Буюк дидактика” асари муаллифи Я.А.Коменский ўқитувчини ўз боғида гулғунчаларни парваришлаётган боғбонга қиёслайди. Дарҳақиқат, бу олижаноб касб эгалари жамият, юрт келажагини таъмин этадиган авлодларни тарбиялаб, илмли қилиб етиштириб беради. Бундай шарафли ва масъулиятли вазифага умрини бахш этган инсонларни ҳақли равишда фидойилар деймиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, педагогика фанлари доктори, профессор Жўра Йўлдошев ана шундай жонкуяр устозлар сирасидан.

Таниқли олим ва журналистлар Рустам Аҳлидинов ва Ҳалим Саидовнинг “Меҳридарё муаллим” номли рисоласида (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012) атоқли педагог Жўра Йўлдошевнинг кенг қамровли илмий, педагогик фаолияти қаламга олинган.

## Доимий ҳамроҳ

Рисоланинг бир фаслида устоз педагогнинг ҳаётидаги энг муҳим нуқталар ҳақида сўз юритилса, бошқаларида олим сифатидаги илмий тадқиқотлари ва уларнинг ҳаётга, амалиётга самарали тадбиқ этилгани, мустақиллик йилларида халқ таълими соҳасини тубдан янгилашга қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилинади. Ж.Йўлдошевнинг сафдошлари, шогирдларининг самимий дил сўзлари эса унинг ҳам педагог, ҳам олим ва ташкилотчи сифатидаги қиёфасини янада ёрқин тасаввур этиш имкониятини беради. Рисолада профессор Ж.Йўлдошевнинг асарлари рўйхати келтирилган. Шунингдек, олимнинг мустақиллик йилларида чоп этилган монография, ўқув-услубий қўлланма, рисолалари ҳақидаги мухтасар маълумотлар ҳам соҳа ходимлари эътиборини тортади.

Ушбу рисолага Ш.Қурбон муҳаррирлик қилган.

**Ҳожибегим НАРЗИЕВА**


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@mcs.uz

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42*
*Санъат бўлими: 233-56-99*
*Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 01.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6335 Буюртма Г — 644. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X